Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 10 ИЮЛЬ, ШАНБА

№47 (6558).
Баҳоси 15 сўм.

Ўзбекистон — Туркия:

ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАГАН ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси ва Туркия жумҳурияти ҳукуматларининг келишуви асосида икки давлат таълим тизимлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик ҳар жиҳатдан кенгайиб бораётир. Бу ўзаро манфаатли алоқалар Ўзбекистонда янги хилдаги ўқув масканлари — ўзбек-турк лицейларининг очилганлиги ва янгилари ташкил этилаётганлигида ҳам яққол намоён бўлаётир.

Ўтган ўқув йилида республикамиздаги бир қатор ўзбек-турк лицейида юзлаб ўғил-қизлар таҳсил кўрган бўлсалар, 1993-94 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоқ Республикаси, Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро, Фарғона, Тошкент, Сирдарё, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида ана шундай янги ўқув масканлари ташкил этилади. Бу ишга ўтган йилдагидек Туркиянинг «Силм эйтим тесислари, ишлатма ва тижорат аноним ширкати» («Силм ширкати») фирмаси шартнома асосида бош қўшмоқда. Ана шу лицейларни ташкил этиш масалалари юзасидан ҳар икки давлат, таълим тизими вакиллари ўртасидаги музокаралар якунланиб, аниқ бир битимга келинди. Куни кеча шу муносабат билан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида 1993—94 ўқув йилида ўзбек-турк лицейлари очилиши тўғрисидаги шартномани имзолаш маросими бўлиб ўтди.

— Туркия маорифчиларининг, хусусан «Силм ширкати» фирмасининг мустақил Ўзбекистон ёш кадрларини тайёрлашдаги ҳамкорлигидан миннатдормиз, — деди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев. — Ўзаро манфаатли алоқаларнинг янги-янги уфқлари очилмоқдаки, бу айни пайтда ўзбек ва турк миллати бир-бирига яқинлашувининг эртанги кунини яратишга ҳам заминдир.

Вазир ўз нутқида ҳар икки мамлакат маорифчиларининг амалий ҳамкорлик кўламлари, халқаро ҳуқуқ нормалари бўйича янги технология асосида ўқитиш малакаларининг ҳал этилиши, манфаатли тажриба алмашувлар, янги типдаги мактабларнинг ўқув режалари ва дастурлари, таълим-тарбия шарт-шароитлари хусусида батафсил тўхталди.

— Мамлакатларимиз Президентлари кўзлаган режалар, иқтисодий, маданий ҳамкорлик ва дўстлик алоқалари рўёбга чиқаётгани бизни мамнун этади, — деди «Силм ширкати» фирмаси раҳбари Камол Турхон. — Биз бошлаган ишимизни, яъни ота юртимизга маориф соҳасида кўмаклашуви бундан буён ҳам давом эттирамиз. Янги ўқув йилида Ўзбекистон вилоятларида ўзбек-турк лицейларини очиш ва улар фаолиятини таъминлашга келишиб олдик. Бу ўқув даргоҳларини компьютерлар, ўқитиш техникаси воситалари, китоблар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашни, айрим моддий харажатларни биз ўз зиммамизга олдик. Бу каби ишларимиз, ўйлайманки, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий юксалишига, мамлакатларимиз аҳлининг дўстлик ва биродарлиги мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Дўстона, самимий ўтган музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан Туркия жумҳурияти «Силм ширкати» фирмаси ўртасидаги шартнома имзоланди. 1993—94 ўқув йилида ўзбек-турк лицейлари очилиши тўғрисидаги шартномани Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев, Туркия жумҳурияти «Силм ширкати» фирмаси раҳбари Камол Турхон имзоладилар.

Музокараларда ва имзолаш маросимида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари И. Саиджонов, Туркия жумҳурияти «Силм ширкати» фирмасининг Ўзбекистондаги масъул вакили М. Четин Қоя ва бошқалар иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз.

ИСТИҚЛОЛ ВА МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

Яқинда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтида Президентимиз И. А. Каримов асарларини ўрганиш ва тарғиб этишга бағишланган «Мустақиллик ва миллий тикланиш» мавзуида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни институт ректори, профессор К. Юсупов очиб, юртбошимиз И. А. Каримовнинг рисолалари Ўзбекистоннинг тўла мустақилликка эришувида асосий дастур эканлигини, шунинг учун ҳам уларни чуқур ўрганиб тарғиб ва ташвиқ қилиш ғоят катта амалий ва сиёсий аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг сўзга чиққан профессор Н. Маҳмудов «Мустақиллик, тилимиз равнақи ва маънавият» номли маърузасида мустақилликнинг энг олий неъматларидан бири тилимиз ва маънавиятимизнинг ҳам мустақилликка эришганлиги ва қайта туғилганлигини қайд этиб, Президентимиз ўз рисоласида тил ва маданият равнақисиз ҳақиқий мустақилликка эришиб бўлмаслигини, бунинг учун тинмай меҳнат қилиш, тилнинг софлиги учун курашиш, миллий маданиятни ва қадриятларни қайта тиклаш лозимлигини алоҳида таҳлил қилиб берди.

Институт доцентлари У. Фозилхонов, К. Эргашевлар ҳам «Мустақилликнинг иқтисодий асослари» тўғрисида гапириб, И. Каримовнинг рисолаларида мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий асослари унинг асосий стратегияси илмий-назарий жиҳатдан белгилаб берилганлигини таъкидладилар.

И. АЗИМОВ.

Мустақилликнинг икки йиллиги олдидан

Халқ таълими ва ҳокимият

Алишер ОТАБОЕВ,
Фарғона шаҳри ҳокими.

ЧИН МИЛЛАТПАРВАРЛИК

Мустақиллик. Истиқлол. Ватан. Бу улуғвор тушунчалар қисқа фурсатда Ўзбекистонимиз фуқаролари учун қайтадан ўзгача маъно касб этиб, бағоят қадрли ва қутлуғ бўлиб қолди. Халқимиз мустақиллигимизнинг иккинчи йилини ўзининг тинч, ижодий меҳнати, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида юзага келган қийинчиликларни мардонавор енгиб, сабр-қаноат билан, келажакка ишонч-ла қарши олмоқда.

Ҳуррият шарофати билан Фарғона шаҳрида қилинаётган ишлар ҳам салмоқли. Иқтисодиётдаги қийинчиликлар мавжуд бўлса-да, саноатдаги одимлар баракали. Айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқаришда илгарилаш кузатилмоқда. Қурилиш, айниқса, уй-жой қурилиши ўтган йиллардагига нисбатан анча юқорилади. Исбот учун рақамларга мурожаат қилайлик: 1992 йилда шаҳарда ҳаммаси бўлиб 27 минг квадрат метр уй-жой майдони фойдаланишга топширилган. Жорий йилнинг биринчи ярмида 26,7 минг квадрат метрдан зиёд уй-жой қуриб битказилди. Марра эса камида 60 минг квадрат метр уй-жой қуришга эришиш ва шу йўл билан уй-жой олишга навбатда турган 8,5 минг оилага бир қадар бўлса-да, ёрдам беришдир.

Президентимиз фармонларини бажариш борасида ҳам кўзга кўринарли натижалар бор. Ўтган йилнинг 2 ойи мобайнида шаҳар ҳудудидаги 3 та қишлоқ Кенгашига ва маҳаллаларга 18 километр газ қувури ётқизилди, 1000 га яқин хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўлди. Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида 2 та поликлиника, 280 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Маданият, ижтимоий тарбия ва спорт, соғлиқни сақлаш масалалари ҳам ҳокимликнинг доимий эътиборидадир. Ҳокимлик ёш авлодни мустақил юртимизнинг муносиб кишилари бўлиб етишишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, халқ таълими олдида турган кўплаб муаммоларни ҳал этишга биринчи даражали муҳим вазифа деб қарамоқда. Ҳатто халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг VII сессиясида (1992 йил, 7 ноябрь) «1993 йил — таълим-тарбия муассасаларига ғамхўрлик кўрсатиш йили», деб эълон қилинди. Бу борада ҳокимликнинг махсус дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

- ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИГА ҒАМХЎРЛИК ЙИЛИ
- ЖАҲОН ТИЛЛАРИ ГИМНАЗИЯСИ ОЧИЛАДИ
- «ЎҚИТУВЧИЛАР УЙИ» ҚОШИДА ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР КУЛЛИЁТИ
- ИЖОДКОР БОЛАЛАР

Бугунги кунда шаҳримизда 1 та университет, политехника институти, Тошкент техника университети Фарғона бўлими, 5 та техникум, 9 та ҳунар-техника билим юрти, 38 та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатмоқда. 92 та мактабгача ва 10 та мактабдан ташқари таълим-тарбия муассасалари фарзандларимиз камоли йўлида ишламоқда. Умумтаълим мактабларида шаҳримиз меҳнаткашларининг 35 мингдан зиёд фарзандлари ўқимоқдалар. Таълим-тарбия сифатини ошириш, ўқитишнинг янги усулларини кенг жорий қилиш, тарбияни миллий қадрият ва анъаналар асосида олиб боришда 3,6 мингдан ортиқ педагог, тарбиячи самарали меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши таълим тизимини ривожлантиришга, бу соҳадаги янгиликларни қаётга дадил жорий этишга, педагог тарбиячиларимизни ижодкорликка даъват этмоқда.

Ўқувчиларни қобилият ва иқтиқорига қараб ўқитиш, ўлкамиз тарихи, маданиятини ўргатиш, замон талабларига монанд тарзда информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, чет тилларини ўргатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган ўқув йилида тест ва суҳбат асосида ўқувчиларни танлаб, шаҳримизда техник лицей ташкил этилди. Ишни аввало лицейга педагог ходимларни танлашдан бошладик. Шаҳар халқ таълими бўлимида улар ҳар томонлама суҳбатдан ўтказилиб, лаёқатли, тажрибалиларни танлаб олинди. Бугунги кунда у ерда 100 дан ортиқ ўқувчи техник фанлар бўйича чуқур билим олмоқда.

Мустақил давлатимиз дунёга юз тутиб, тобора ўзаро алоқалар сарҳади кенгайиб бораётганлиги мактабларимизда хорижий тилларнинг ўқитилишига ўзгача ёндашувни тақозо этмоқда. Шаҳардаги 2, 3, 6, 10, 22, 26-мактабларда инглиз, немис, француз ва бошқа хорижий тилларни ўқитиш бўйича ижобий иш тажрибалар тўпланган. Бу иш, айниқса, 2-мактабда яхши йўлга қўйилган. Мактабда бир неча йилдан буён инглиз тили чуқурлаштириб ўқитилиши ўз натижаларини бермоқда. Собиқ ўқувчиларнинг аксарияти нафақат вилоятимиз ва республикамизда, балки хорижий ўлкаларда ҳам ибратли меҳнат қилмоқдалар. Янги ўқув йилидан бошлаб мазкур мактабни жаҳон тиллари гимназиясига айлантириш кўзда тутилмоқда. Ёшларимизни одобли, хушхулқли тарбиялашда диннинг ҳам алоҳида аҳамияти бор. Шу боис барча мактабларнинг 7, 8, 9-синфларида дин тарихи, 10, 36-мактабларда эски ўзбек ёзуви ўқувчиларнинг севимли машғулотларига айланиб бормоқда.

Маорифчилар ишини баҳолашда пировард натижа бош мезон бўлмоқда. Улар меҳнати натижаси ўлароқ 82 ўқувчи вилоят, 27 нафари эса республика фан олимпиадаларида иштироқ этдилар. Биз бугун самарали меҳнатлари билан халқимиз ҳурматига сазовор бўлаётган Р. Халилов, Р. Гостюхина, А. Каримов, И. Каримова, Р. Нишонова, М. Аҳмадалиев, Е. Оверчук, М. Бекмуратова, В. Юкин каби юзлаб ўқитувчиларимиз фаолиятига муносиб баҳо берамиз, уларни чинакам Ватан фидойилари деб ҳисоблаймиз.

(Давоми 2-бетда).

МИННАТДОРЧИЛИК ҲИССИ

Олий таълим сифатини яхшилаш мақсадида кейинги пайтларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Президентимизнинг бир қатор фармонлари ҳам қабул қилинди. Бунда ўқитувчилар, олимлар ва талабаларнинг ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш, улар маошларини бир неча баробар оширишга алоҳида аҳамият қаратилди.

Бу олий ҳиммат биз олимлар зиммасига янги-янги изланишлар, олдимизда турган вазифаларни аъло даражада бажаришдек масъулият юклайди. Биз ушбу вазифаларни чуқур ҳис этган ҳолда таълим-тарбия тизимини барқарорлаштиришга, уни ёшлар онгига сингдиришга бел боғлаётганимиз лозим.

Мен хизмат юзасидан бир пайтлар Франция давлатида бўлганимда олиму фозил кишиларга эътибор, ғамхўрликларни кўриб, уларнинг меҳнати нақадар қадрланишини, турмуш тарзи эса ижтимоий ҳимоя қилинишини, ҳукуматнинг тутган бу одилона йўлига тасаннолар айтганим, ҳануз эсимда. Ўшандан бери бизда нега олимларга муносабат, ғамхўрлик улардагидай эмас, деган савол мени қийнаб келарди. Минг шукурки, Ўзбекистонимиз ўз истиқлолига эришиб, эркинлик, мустақиллик тантана қилди. Шароитнинг оғирлигига қарамай халқнинг барча табақасига ижодкор кишиларга, олиму фузалоларга ғамхўрлик қилинмоқда.

Эндиликда биз олимлар ҳукуматимизнинг кўрсатаётган саъй-ҳаракатларига жавобан иш юритишимиз, илм-фан, маърифатнинг равнақ топишига муносиб ҳисса қўшишимиз, таълим-тарбия тизимини инсонпарварлаштиришга, халқчиллаштиришга, ёшларга иймон-эътиқод, руҳ поклиги ва комиллигини сингдиришга, болалар шуурида ёшликдан меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ижодкорлик, касб-ҳунарга меҳр-муҳаббат қўйиш, ватанпарварлик, байналмилаллик каби фазилатларни шакллантиришга, бурчга масъуллият ҳиссини тарбиялашга, мактабни муқаддас деб билишларига, унга эътиқод қўйишга, ёшлик чоғлариданоқ фан-техника сирларини чуқур ўрганишларига эришишимиз лозим.

Зеро, бугунги миллийлик интиҳоли, маънавий ҳаёт тарзи шакллананётган даврда — ёшларни гўзал ҳулқли, одоб-ахлоқли, фаросатли, онгли ва интизомли, юксак маданиятли, миллий ғурурли, этиб тарбиялашда, энг муҳими соғлом авлодни вояга етказишда барчамиз ҳам масъулиятни ҳис этмоғимиз, бу муҳим ишда ҳар биримиз ўзимизни жавобгар сезмоғимиз зарур.

Қ. АБДУЛЛАЕВА,
ЎзПФИТИ сектор мудири.

УНВОН МУБОРАК!

Меҳнат кишига икки ҳолда ҳузурбахш онларни ҳадя этади. Биринчиси қилган ишингнинг Ватанингга фойдалилигини сезганингда, иккинчиси эса унинг ҳукумат томонидан муносиб рағбатлантирилганида. Бунинг устига ҳозирда юксак сийлов чин меҳнаткашга нафақат маънавий, балки иқтисодий манфаат келтираётганда унинг қадри яна бир қадар юқорилайди.

Куни кеча Халқ таълими вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг фармонига асосан ҳукуматнинг юксак унвонларига сазовор бўлган бир гуруҳ халқ таълими ходимларига мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев ҳукумат мукофотларига сазовор бўлган ўртоқларни қизғин қутлади, уларни халқ таълимини ривожлантириш ишидаги фаолиятларида янгиданянги муваффақиятлар тилади. Вазир тантанали вазиятда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ранг-тасвир кафедраси профессори Малик Набиевга «Ўзбекистон халқ рассоми», «Нурли йўл» газетаси бош муҳаррири, филология фанлари номзоди, доцент Қолдибек Сейдановга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими», фахрий педагог Зоя Ивановна Масютинага «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонларининг гувоҳномаси ва кўкрак нишонини топширди.

Мукофотланганлар педагогика соҳаси ходимларига катта эътибор учун Республика Президентига ва ҳукуматига чуқур миннатдорчилик билдириб, бутун куч-ғайратларини Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга, истиқболли буюк давлатнинг муносиб фуқароларини тарбиялашга сафарбар этажакларини изҳор этишди.

Мухбиримиз.

ТЕСТ СИНОВИГА ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК

Жамият, фан ва техника тараққиёти ҳамда мустақил Ўзбекистонимизнинг ёрқин истиқболи мактаб ва олий таълим тизимларида ҳам ҳар йили маълум бир янгилик ва янгиланиш бўлишига даъват этади. Ўтган йили республикамизнинг кўпгина олий ўқув юртларида биринчи марта қабул имтиҳонлари тест синовлари ёрдамида ўтказилиб, ҳаётга йўл олган эди. Унинг йўли қутлуғ ва нурли келаётир.

Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг махсус фармони ва Вазирлар маҳкамасининг қарори билан олий ўқув юртларига бу йилги қабул имтиҳонлари бутунлай тест усулида ўтказилади. Эндиликда талаба билимларини ҳар томонлама элакдан ўтказадиган бу усул ўзини оқлади ва оқлаётир.

Хўш, республикамиз ўқув юртларида янгича қабул ишларига тайёргарлик қандай? Бу ҳақда махсус мухбиримиз бир неча олий билимгоҳларнинг мутасадди ходимлари билан суҳбатлашди.

М. МИРҲАМИДОВ, Тошкент давлат юридик институти проректори: — Бу йил биринчи курсга талабалар қабул қилиш Ўзбекистон Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий ўқув юртларига абитуриентларни қабул қилиш Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган 1993—1994 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига талабаларни қабул қилиш низоми асосида амалга оширилади. Бу муҳим компанияга катта тайёргарлик кўриб қўйдик.

Шу низомга кўра, ҳар бир олий ўқув юрти ҳузурида қабул комиссияси ишламоқда. Бизнинг институтда ҳам шундай комиссия фаолият кўрсатмоқда. Унинг вазифаси абитуриентларга касб танлаш борасида тўғри йўналиш бериш, уларнинг ҳужжатларини қабул қилиш, расмийлаштириш, керакли йўриқномалар билан таъминлаш, тест синовларига асосланган қабул қилиш тартиблари билан таништиришдан иборат. Абитуриентларни тест материаллари билан ишлашга ўргатиш учун консультациялар ташкил этилди. Бўлажак юридик ходимлар социал билимлар (тарих ва география), ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти ҳамда инглиз, немис ва француз тилларидан бири бўйича тест синовлари топширишади. Бунинг учун консультациялар ташкил этилган. Абитуриентлар ҳужжат топшираётганларида уларга «Абитуриент—93 учун эслатма» ҳам тарқатилади ва керакли маслаҳатлар берилади. Тест синовлари ўтказиладиган аудитория ва улардаги ўринлар сони етарли.

(Давоми 2-бетда).

ЯХШИ ИШГА ЯШИЛ ЙЎЛ

Камол топаётган ёш авлодни мустақил Ўзбекистоннинг муносиб фуқаролари, чинакам ватанпарвар, эл-юрт ишига садоқатли, билимдон ва маданиятли кадрлар этиб тарбиялаш халқ таълими ходимлари олдида турган энг муҳим вазифадир. Бу масъулиятли ишда педагогик матбуот ҳам ўзига хос тарғиботчилик ишини олиб бормоқда. **Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг шу йил 5 июлдаги «Маърифат» ва «Учитель Ўзбекистана» газеталарининг ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик тарбиясига бағишланган махсус сонлари тўғрисида»ги буйруғида ҳар икки газетанинг бу борадаги ибратли иши маъқулланди.** Буйруқда, жумладан, шундай дейилади:

«Ватанни севмоқ — унинг тарихини чуқур билмоқ, минглаб йиллар давомида шаклланган миллий, умуминсоний қадриятларни эъзозламоқдир. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов ўз нутқида «Ватанпарварлик, фуқаролар якдиллиги — ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётган негиздир», деб қайд этди. Дарҳақиқат, ёшларда чинакам ватанпарварлик туйғусини шакллантириш бугунги кунда мустақил республика мактаби олдида турган муҳим вазифадир. Бу борада «Маърифат» газетаси (1993 йил 28 апрель), «Учитель Узбекистана» газетаси (1993 йил 16 июнь)да ўқувчи ёшларнинг ватанпарварлик тарбиясига бағишланган махсус сонлар, шунингдек, «Маърифат» газетасининг «Тарбия» иловаси чиқарилиши айни муддао бўлди.

Ҳар икки махсус сон ва «Тарбия» иловасида эълон қилинган материаллар мустақил Ўзбекистонимизнинг баркамол фарзандларини вояга етказишга баҳоли қудрат ҳисса қўшиш, Президентимиз ва жумҳуриятимиз раҳбариятининг соғлом ҳамда маънавий етук авлодни тарбиялашга оид қарорлари, Халқ таълими вазирлигининг бу борадаги кўрсатмаларини кенг тарғиб қилиш ўсиб келаётган ўғил-қизларимизда Ватан билан фахрланиш туйғусини шакллантиришга қаратилганлиги билан эътиборга лойиқдир.

Газеталарнинг махсус сонларидаги материаллар ўқитувчи ва тарбиячиларга катта ёрдам бўлади ҳамда ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришда қўл келади».

Буйруқда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасига, педагогика олий ва ўрта ўқув юртлари ректорлари ва мамуриятларига «Маърифат» ва «Учитель Ўзбекистана» газеталарининг махсус сонлари ва «Тарбия» иловаси материалларидан ўқитувчи ва тарбиячиларнинг амалий фаолиятида фойдаланишни таъминлаш, август кенгашлари қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақиллиги шароитида ўзбек миллий педагогикаси анъаналари асосида ёшларни ватанпарварлик, ахлоқий, маънавий, байналмилал тарбиялаш муаммоларини ҳар томонлама муҳокама қилишга йўналтириш топширилади.

Вазирликнинг синфдан ва мактабдан ташқари ишлар бошқармаси, бошқа бошқармалари, Республика ўқув-методика марказини, Ўзбекистон Педагогика илмий текшириш институтларига газета таҳририятлари билан ҳамкорликда махсус сонлар ва алоҳида мавзуларга бағишланган саҳифалар чиқаришни бундан кейин ҳам тажриба қилиб бориш; «Маърифат» газетаси таҳририятига Вазирлик, РЎММ, ЎзПИТИ билан ҳамкорликда таълим-тарбияга оид, шунингдек айрим фанлар бўйича махсус илова сонлари чиқариб бориш тажрибасини давом эттириш; «Халқ таълими», «Мактабгача тарбия», «Бошланғич таълим», «Тил ва адабиёт таълими» журналлари таҳририятларига шу йил охиригача Ўзбекистон Республикаси муносиб фуқароларини тарбиялаш масалалари бўйича махсус сонлар чиқариш топширилади.

Шунингдек, мазкур ҳужжатда ҳар икки газета моддий-ишлаб чиқариш жиҳатларини мустаҳкамлашга доир бир қатор чора-тадбирлар аниқ белгиланиб, уларни адо этиш Вазирликнинг режалаштириш-молия, моддий-техника таъминоти Бош бошқармаларига юклатилди.

ЧИН МИЛЛАТПАРВАРЛИК

(Боши 1-бетда).

Замон талабига монанд ўқитувчи-тарбиячилар ўқитиш тизимини такомиллаштиришда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Олий ўқув юртларига, ўқувчиларнинг тест асосида қабул қилиниши ушбу ишни мактаб, боғчадан бошлаш масаласини кўндаланг қўяпти. Бундан хулоса чиқарган илғор ўқитувчилар ўз фанлари бўйича тест брошюралари, муқобил дарслик ва дастурлар ишлаб чиқмоқдалар.

15-мактаб тарих ўқитувчиси А. Каримов Ўзбекистон Республикаси тарихи учун дастур, 27-мактаб ўқитувчиси Р. Нишонова кимё фанидан тест синовлари китоби, 18-мактаб тарих ўқитувчиси Э. Зубарева Фарғона шаҳри ва вилояти тарихи китоби, техник лицей ҳисоблаш техникаси ўқитувчиси Ю. Сейдаматов 8, 9, 10-синф ўқувчилари учун программалаштириш бўйича дарслик яратиш устида ишламоқдалар.

Педагог кадрлар билан ишлаш долзарб вазифалардандир. Бу соҳада шаҳарда ўзига хос ибратли ишлар олиб борилмоқда. Педагогик ўқишлар шаҳар секциялари орқали амалга оширилмоқда. Доимий семинарларда очиқ дарслар, синфдан ташқари машғулотлар кузатилиб, олий тоифали ўқитувчиларнинг ижодий ҳисоботлари тингланади. Ўтказиладиган таълимий-тарбиявий ишларда Фарғона давлат дорилфунунини профессор-ўқитувчилари, талабалари билан ҳамкорлик самаралари яққол кўзга ташланмоқда. Ҳозирда шаҳримиздаги деярли барча мактаблар билан шундай алоқалар ўрнатилган.

Мактаб — оила — жамоатчилик ҳамкорлиги таълим-тарбияда самарали натижаларга эришиш гаровидир. Таълим муассасаларида бу соҳада олиб борилаётган тадбирлар «Наврўз» байрамини ўтказиш жараёнида яққол яққол кўзга ташланди. Халқимизнинг энг гўзал, серфайз байрамида нуроний отахон-онахонлар, меҳнат, руш фахрийларига ёшларимизнинг ҳурмат бажо келтириши халқимиз одоб-ахлоқидан фахрланиш ҳиссини уйғотди. Айниқса, бундай тадбирларнинг аксарияти маҳалларда, ташкилотларда, иш жойларида бўлиши, бир-бирларига ўзбекона дастурхон атрофида яхши тилаклар билдириш халқимизга хос бўлган фазилатдир.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ўсмирлар ўртасида қонунбузарлик 1992 йилдагига нисбатан 16 тага камайди. Бунда халқ таълими ходимларининг салмоқли ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Аввало, ҳар бир таълим муассасада мустақил республикамиз Конституцияси махсус дастур асосида, малакали ходимлар иштирокида муаллимлар, ота-оналар, ўқувчилар ўртасида чуқур ўрганилди.

«Ўқитувчилар уйи» қошида ҳуқуқий билимлар куллиёти иш олиб бормоқда, унда 25 тингловчи қатнашмоқда. Улар билан малакали ҳуқуқшунослар машғулотлар олиб боришаётир. Вояга етмаган болалар билан ишлаш комиссияси махсус режа асосида иш олиб бориб, ойлик иш натижаларини муҳокама қилишади. Апрель ойида шаҳар халқ таълими бўлимининг «Орзу» ногиронлар маданий маркази билан ҳамкорликдаги «Ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолларининг олдини олишда оила, мактаб ва мактаб жамоалари ҳамкорлиги» мавзуидаги анжумани иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Болаларни бўш вақтларидан оқилона фойдаланиш улар тарбиясида муҳим роль ўйнайди. Бу борада шаҳардаги «Болалар ва ўсмирлар ижодкорлик маркази»да ибратли ишлар олиб борилаяпти. Қисқа даврда бу тарбия маскани ўқувчиларнинг севимли масканига айланди. Ҳозирда бу ерда шаҳримизнинг 1400 га яқин ўқувчилари 30 турдаги 44 та тўгаракка қатнашмоқдалар. Марказ ўз фаолиятини мактаблар, маҳаллалар қошидаги филиалларни очиш билан йилдан-йилга ривожлантирмоқда. Чунончи 28, 8, 15, 5, 30-мактаблардан ташқари Бақай, Бешбола қишлоқларида очилган тўқиш, бичиш-тикиш, юмшоқ ўйинчоқлар, дўппи тикиш каби тўгаракларга ўқувчилар қизиқиб қатнашмоқдалар. Шу йилнинг 1 чорагида марказ ўқувчилари вилоят, республика миқёсида ўтказилган 8 та мусобақада фахрли ўринларни эгалладилар.

Фарғона — саноат шаҳри. Шаҳримизда бир қанча йирик саноат корхоналари мавжудки, уларнинг эртанги эгалари эса ўқувчи ёшлардир. Шуни ҳисобга олиб 9 та ҳунар-техника билим юртида 1, 2-кечки мактаблар қошида катталарни ўқитиш марказида халқ хўжалигининг турли соҳалари учун зарур касб-ҳунарлар ўргатилмоқда. 1-ўқув ишлаб чиқариш комбинатида эса сураткаш, тикувчи, ошпаз, референт касблари бўйича таълим берилаётир.

Фарзандларимизнинг билимлари пухта бўлишлиги бевосита уларнинг саломатлигига узвий боғлиқ. Президентимизнинг 1-У синф ўқувчиларини бепул нонушта, юқори синф ўқувчиларига бу борада 50 фоиз имтиёзлар бериш тўғрисидаги оталарча ғамхўрлиги шаҳар ҳокимияти томонидан собитқадамлик билан амалга оширилмоқда. 1993 йилнинг 1 чорагида шу мақсадлар учун 5 миллион 303 минг сўм маблағ сарфланди. Кейинги пайтларда мактаб ошхоналари моддий-техника аҳволи ночорлиги тўғрисида ҳокимиятга маълумотлар кела бошлади. Ҳокимлик бу ишга жиддий эътибор берди. Шаҳар Кенгаши депутатларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, ҳар бир мактаб чуқур ўрганилди ва ҳоким ҳузуридаги йиғилишда муҳокама қилинди. Йиғилишга тегишли ташкилотлар раҳбарлари таклиф қилиниб ҳамма масалалар шу ернинг ўзида ижобий ҳал қилинди. Ҳокимлик ўз фондидан мактаб ошхоналари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2 миллион сўм пул ажратди. Болалар боғчалари учун 4 та моторолер ажратиш тўғрисидаги халқ таълими бўлими таклифлари қондирилди. Албатта бу ишлар халқ таълимига арзигулик ёрдам эмасдай туюлиши мумкин, бироқ масалага ҳозирги иқтисодиётнинг қийинчилиги, маблағ, баъзида эса маҳсулот топиш мураккаблиги нуқтаи назаридан қаралса, бу жуда катта аҳамият касб этади. Зеро, ўқувчилар ва тарбияланувчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бу давлат миқёсидаги энг устивор вазифадир.

Бюджетдаги танқисликка қарамай шаҳарда шу йили 280 ўринли боғча қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилди. Охунбобоев мавзеи ва Ёрмозор қишлоғида 2 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, «Болалар уйи» қурилиши давом эттирилмоқда. Шаҳардаги 8 та мактаб, 9 та боғча тўлиқ таъмирланиб, реконструкция қилинади, қолганларида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Дастлабки ҳисоб-китобларимизга қараганда бу ишларга камида 150—160 миллион сўм маблағ сарфланиши зарур.

Ҳокимлик бу хайрли ишга оталиқ ташкилотлари, корхоналарни жалб қилмоқда. Шаҳарда таълим тарбия муассасаларини янги ўқув йили ва қишки мавсумга тайёрлаш зарбдор 2 ойлиги эълон қилинган, тайёргарлик ишларини назорат қилиб туриш мақсадида махсус ишчи гуруҳи тузилиб, ҳар ўн кунда жойлардаги таъмирлаш ишлари муҳокама этиб борилмоқда. Кези келганда боғча ва мактабларга катта ғамхўрлик қилаётган корхоналаримиз ҳақида ҳам айтиб ўтмоқчиман. Шаҳардаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси (раҳбари А. Абдуллаев) 16-мактаб учун 5 миллион сўм, 34-мактаб учун 1, 2 миллион сўм, механика заводи (раҳбари Ж. Ғуломов) 17-мактабга 3 миллион сўм, пахта тозалаш заводи (раҳбари А. Довудбоев) 1-мактабга 2,6 миллион сўм, фуран бирикмалари кимё заводи (раҳбари А. Прятка) 10-мактабга 5 миллион сўм, салқин ичимликлар заводи (раҳбари А. Тўхтабоев) 2-мактабга 1 миллион сўм, «Иссиқлик манбаи» вилоят корхонаси (раҳбари А. Эргашев) 27-мактабга 1,5 миллион сўм маблағ ажратдилар. Яна шу каби ўнлаб корхона ва ташкилотларимиз мактаб, маориф жонкуярларидандир.

Мактаб, халқ таълимига эътибор ўқитувчи, тарбиячига бўлган эътибордан бошланади. Халқ ўқитувчисига чинакамига ғамхўрлик қилиш Президентимизнинг қатор фармонларидан сўнг амалга оширилмоқда. Шаҳримизда 2,5 мингга яқин халқ таълими ходими ўзлари яшаб турган уйларни бепул хусусийлаштириб олдилар, 3, 8 мингдан зиёд зиёкорларимиз коммунал хизматдан имтиёзли фойдаланмоқдалар. Ўқитувчиларга уй қуриш учун ер ажратиш, ёқилғи билан таъминлашда имтиёзлар берилмоқда. Уй олиш учун навбатда турган ўқитувчиларга уйлар ажратилмоқда.

Юртбошимиз Ўзбекистон халқ депутатлари Олий Кенгашининг XXII сессияда: «Биз истиқлол шарофати билан кўп қадриятларни — иймонимизни миллий ғуруримизни, озодликни, бир сўз билан айтганда, парвардигорни қайтадан чинакамига танидик. Эндиги вазифа — боболаримизнинг поймол этилган орзу умидлари ҳаққи, авлодларимизга, сизу бизнинг фарзандларимизга бутун дунё билан теппа-тенг бўйлашадиган буюк Ўзбекистоннинг мерос қилиб қолдирмоқдир», деб алоҳида уқтирдилар.

Президентимиз қўйган бу фахрли ва шарафли вазифа ўзини чин ўзбекистонликман деган ҳар бир фуқарога, ҳар бир раҳбарга таллуқли. Бу муқаддас ва буюк келажакни яқинлаштириш ҳар биримиздан ҳақиқий фидойиликни, ватанпарварликни талаб этади. Буни бир дақиқа ҳам унутишга асло ҳаққимиз йўқ.

ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИ — ЁШЛАРГА

Ватанимизнинг асл мақсади инсонлар бахти-саодати йўлида маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ҳамда умуминсоний қадриятларни халқ анъаналари руҳида тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган.

Бундай маънавиятни юзага келтиришнинг негизи эса миллий истиқлол мафкураси, яъни унинг асоси — умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклигида эканлигини унутмаган ҳолда, босқичма-босқич равнақ топтириб бориш керак. Зеро, маънавиятни — миллий қарашларни жамият аҳлида асосий мафкура сифатида таъминлаш учун, аввало ўтмиш авлод-аждодларимиз, миллий қадриятларимизни чуқур ўрганишимиз, улар олға сурган умуминсоний ғояларни, айниқса, ёшлар, талабалар ўртасида кенг илмий-амалий ташвиқ-тарғиб қилишимиз зарур.

Тошкент вилоят Давлат педагогика институти базасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан «Ёшларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда халқ анъаналарининг аҳамияти» мавзуида ўтказилган жумҳурият илмий-назарий конференцияси ана шу муҳим муаммога бағишланди. Конференцияда республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев муҳим фикрларни ўртага ташлади.

Диний қарашларга муносабатни бутунлай ўзгартириш керак. Аслида Қуръони Каримдаги оятлар ва Ҳадислар ахлоқнинг негизини ташкил қилади. Умуман, диний мазҳаблар, жумладан, Баҳовуддин Нақшбанд тасаввуфи, диний илмни фақат ижобий, ижодий ўрганишни таъминлаш зарур.

Умуминсоний қадриятларни бир миллат шаклида ўрганиб, таъминлаб бўлмайди. У халқлар дўстлиги асосида барпо бўлиши, халқ анъаналарининг энг зарурий томонларини қамраб олиши лозим.

Аллома маорифчилар — А. Авлоний, М. Беҳбудий, А. Шукурий, Мунаввар Қори, А. Қодирий ва бошқа алломалар фаолияти ҳам она тарихимизнинг буюк шахсларига бориб тақалади. Алишер Навоийнинг дидактик асарлари ва фикрларини бугунги истиқлол йўлида қўллаш мумкин эмас, деб ким айта олади? Аҳлоқ-одобнинг негизи буюк Навоий ижодида ётганлигини қайта-қайта таъкидлаш керак. Умуман, улар фаолиятини, халқ педагогикасини чуқур ўрганиб, ўқитсак ёшларимизда, талабаларимизда истиқлолимизнинг миллий, халқчил мафкурасини тиклаш билан бирга она юртимизнинг истиқболига замин яратиб берган бўламиз.

Ўзбекнинг меҳмондўстлиги, ўзаро ҳурмати ҳақида жуда ўринли, ибратли гапларни айтиш мумкин. Халқ анъаналари эса ёшларимизга бешикда она алласидан юқади. Демак, уни эъзозлаш, авайлашимиз даркор. Бироқ «ўзлигимиз қобиғида» ўралиб қолмаслигимиз, балки дунё халқлари ичида яшаётганлигимиз, яъни доимо ҳамкор, ҳамфикр, маслаҳатчи эканлигимизни асло унутмаслигимиз лозим.

Ангрен шаҳар ҳокими С. Юсупалиевнинг «Ангрен — миллий анъаналарга бой шаҳар» мавзусида қилган маърузасида ҳам бир қатор янги фикрлар баён этилди. Маърузачи шаҳар аҳлининг ўзига хос тараққиёти, истиқболлари ҳақида гапириб, гурли миллат ва элатлардан ташкил топган аҳолининг асосий узвий боғлиқлигида халқ анъаналари ниҳоятда муҳим роль ўйнашини таъкидлади. Шаҳарда ўтказиладиган Наврўз, ҳайит ва халқаро байрамлар халқларимиз бирлиги, дўстлиги намойишига айланмоқда.

Анъаналарни ниҳо да мазмунли қилиб ўтказишда вилоят педагогика институти профессор-ўқитувчилари ҳам назарий, ҳам амалий ёрдам беришмоқда.

Тошкент Давлат университети профессори, тарих фанлари доктори К. Норматов «Ўзбек халқининг шаклланиши ва ҳозирги замон» мавзусидаги маърузасида учта йўналишни ўртага ташлайди. Биринчи йўналиш — «Ўзбеклар ва қадимги давр», иккинчиси — Ўзбек миллатининг шаклланиши ва географик жойлашиши тарихидан» ҳамда учинчи йўналиш — «Мустақиллик ва ўзбеклар»дир. Олим ўз фикрларини илмий маълумотлар билан ифодалади.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги фан бўлими бошлиғи, фалсафа фанлари доктори Т. Тошлонов «Ёшлар тарбиясида умуминсоний қадриятлардан фойдаланиш» мавзусидаги чиқишида халқ анъаналарининг умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилиши ҳамда бу анъаналар бир уруғ, қабила доирасидан чиқиб, катта халқ мулкига айланишини таъкидлади.

Йиғилишда халқ анъаналарининг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Муҳокамада 93 маъруза кўриб чиқилди. Ўзбекистондаги маънавий қадриятлар, уларни тиклаш ҳамда ривожлантириш борасида фойдали фикрлар ўртага ташланди.

Н. КАРИМОВ.

ТЕСТ СИНОВИГА ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК

(Бошн 1-бетда):

Ҳозирги кунда қабул комиссияси аъзолари Республика тест марказидан олинган ҳужжатлар, йўриқномалар, босма иш қоғозлари ва турли ахборот тайёрлаш ишларини амалга оширмоқдалар. Бу йил кундузги бўлимга юз талаба қабул қилинади. Институт илмий кенгаши қарорига мувофиқ Ўзбекистон адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда республикамиз халқ хўжалиги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, бу ўринларни институтда мавжуд тўрт факультет: халқаро ҳуқуқий муносабатлар, суд — прокурорлик, юридик хизмат ҳамда давлат қурилиши ва бошқаруви факультетлари бўйича тақсимладик. Ҳар бир факультетга йигирма беш ўрин берилди. Ўн беш кунлик бошлаб, аввало, ариза қабул қилинади, 31 июль куни бошқа олий ўқув юртлари каби биз ҳам тест синовларини муваффақиятли бошлаймиз ва уни ёруғ юз билан якунлаймиз.

М. МУСЛИМОВ, Низомий номидаги давлат педагогика институти қабул комиссиясининг масъул котиби: — Бўлажак муаллимларимиз тест синовларига кўникиб қолишди. Бу йилги синовни ҳам намунали ўтказиш учун бир қатор тадбирлар белгилаб, уни амалга оширдик. Институтимиз бўйича абитуриентлар математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси, физика, астрономия, химия ва биология, меҳнат, тарих ва ҳуқуқ сингари мутахассисликлар бўйича тест синовларидан ўтишади. Бундан ташқари чизмачилик, мусиқа — педагогика, тарбиявий ишлар бўйича услубият, бошланғич ҳарбий тайёргарлик ва жисмоний тарбия мутахассисликлари бўйича тест синовларига қўшимча кўпбаллик тизим асосида ижодий ва ихтисослик бўйича имтиҳонлар ўтказилади. Бу ижодий ва ихтисосли имтиҳонларни ўтказиш тартиби, дастурлари ва уларни баҳолаш мезони институтимизнинг ихтисослик бўйича етук мутахассислари томонидан амалга оширилади.

1993 йилги Жумҳурият олимпиадаси ғолиблари ўзлари танлаган мутахассисликларга тест синовларисиз ва имтиҳонларисиз талабалар сафига қабул қилинади. Сиртқи бўлимга бу йил 11 та мутахассислик бўйича 275 талаба қабул қилинади. Барча мутахассислик бўйича 1 июлдан бошлаб тажрибали ўқитувчилар абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига консультациялар ўтказишмоқда. Муҳтожлар ётоқхона билан таъминланмоқда.

Абитуриентларга қабул комиссияси ҳайъати тузилган. Улар талабалар ва ота-оналар хизматида. Институтимизда радиоузел ишлаб турибди. Нурхонамиз тарихи, факультетлар фаолияти ёшларга тушунтирилмоқда ва профессор-ўқитувчиларнинг чиқишлари ташкил этилмоқда. Бу йилги институтимизга барча мутахассисликлар бўйича 600 талаба қабул қилинади. Қабул комиссияси масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда фаол ишламоқда. Тест синовларини ўтказишга шай турибмиз.

ТЕСТДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Шу ўқув йилида 8-синфларда она тилидан синфдан-синфга кўчириш, 11-синфларда адабиётдан битириш имтиҳонини тест усулида ўтказдим. 25 та савол-топшириқларини бажариш учун бор-йўғи 40 минут вақт ажратилди. Натижаси ёмон бўлмади. Синфларнинг бирида аълочилар 39 фоизни, яхшилар 31, ўрталар 30 фоизни ташкил қилди. Бошқасида кўрсатгич бироз пастроқ бўлди. Бу усулнинг илк бор қўлланилаётганлигини ҳисобга олганда якун қалбларга таскин беради.

Тест синовига тайёргарлик кўриш жараёни машаққатли экан. Бир ой ичида 3 та синф учун бир неча вариантда 25 тадан савол-топшириқлар тайёрланди. У ҳар бир ўқувчи сонига қараб кўпайтирилди. Шунингдек, ҳар бир ўқувчи учун очқич варақаси, вариантлар учун эса калит (очқич) тайёрланди. Натижаси имтиҳон жараёнида кўринди-қолди. Бир зумда калит ёрдамида унинг иши, меҳнати кўзга ташланади. Калит ойна. Сизга эътироз билдира олмайди. Нотўғри баҳолади деган гумон пайдо бўлмайди. Ҳа, тест ўқувчи билимини одилона баҳолайди. Бу — тестнинг ижобий томонлари. Имтиҳон натижаларини таҳлил қилар эканман шунга амин бўлдим. Бўш ўқувчилар ҳам «ўрта», ҳатто «яхши» баҳо олишди. Имтиҳонларга аълочи ўқувчилар ҳам таклиф қилинди. Аксарияти йил давомида олган «5»ларини оқлашди, баъзиларида пасайиш ҳам бўлди. Демак, аълочиларни ҳам имтиҳонларга киритиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Улар ўтилганларни такрорлаб, билимларини мустаҳкамлайдилар.

Шу ўринда бир нарсани айтишни жоиз деб биламан. Илгари оғзаки имтиҳонлар 5-6 соат чўзиларди. Ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам толиқишарди. Ҳатто соғлиғи ёмонроқ болалар ҳолдан тоярди. Тест синови унинг бутунлай акси, имтиҳон қисқа муддатда ўтади. Сокинлик, тинчлик, осойишталик ҳукмрон. Кайфиятлар, асаблар жойида. Бу унинг яна бир ижобий томонидир.

Тест усули ўқувчи билимини баҳолашда анча мақбулу, лекин бекаму кўст деб бўлмайди. Унинг ўзига хос салбий ва ижобий томонлари ҳам бўлиши табиий. Чунончи, унда ўқувчи билимини чуқур ва атрофлича аниқлашга кенг имкон йўқ. Ўқувчи саводхонлигини, назарий билимини амалий қўллай олишида, шеър ўқишида нутқини билиб бўлмайди. Бунда ўрта ва аълочи ўқувчи эса жавобларни ҳам топди, ҳам кенг таҳлил қилди. Уларнинг билими ҳар хил, аммо тест усулида имтиҳон топширганда бир хил бал тўплашди. Тестнинг бу каби камчиликлари бўлишига қарамасдан ихлосим баланд эканлигини яширолмайман. Тажриба, малака, кўникма ортиб борган сари бу камчиликлар барҳам топиб, бораверади.

Хулоса шуки, тест ўқувчилар, абитуриентлар билимини баҳолашда ҳозирда асосий мезон. Фикримча, ўқувчиларни тест синовларига бошланғич синфлардан тайёрлаб борилса, айни муддао бўларди.

Ш. ОТАҚУЛОВ,
Самарқанд вилоят Пайариқ туман 1-мактаб ўқитувчиси.

КАСБ ЭГАЛЛАБ МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДАЛАР

Марғилондаги 4-ўрта мактабнинг меҳнат ўқитувчиси Ҳафизахон Ортиқова 12 йилдан буён қизларга чеварлик касбининг сир-асрорини ўргатиб келмоқда. Унинг ташаббуси билан, аввало, меҳнат устахонаси ташкил қилинди. 4 та тикув машинаси 9 тага етказилиб, чевар қизлар тўгараги фаолият кўрсата бошлади. Натижада чеварликка ҳавас йилдан-йилга ортиб бу касбни эгаллаганлар самарали меҳнат қиляптилар.

Мактабни тамомлаган қизлар шаҳардаги «Наврўз», «Баҳор» маиший хизмат уйларида, «Атлас» фирмасида ишлашаётир. Қундузхон Аҳмедова, Муножотхон Салимова, Дилфуза Жабборова, Холида Тўрахонова ва Мафтуна Эргашевалар тикаётган кўплаб маҳсулотлар аҳолига манзур бўлаяпти.

Ташаббускор меҳнат ўқитувчиси Ҳафизахон Ортиқованинг иш тажрибасини шаҳар мактабларининг ўқитувчилари ҳам ўрганишмоқда.

З. БОТИРОВ.

ОЛТИН ЁЗ

«Водоканал» трестига қарашли «Зилола» оромгоҳида 300 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқараяпти. Бу ерда уларнинг кўнгилли дам олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Кунига 5 маҳал егулик тайёрлаб берилмоқда. Бир қатор тўгараклар ишлаб турибди. «Қувноқ стартлар», «Эртак оламига саёҳат», «Истеъдодларни изслаймиз» ва бошқа шунга ўхшаш ташкилий тадбирлар, отрядлараро ўтказилаётган танловлар болажонларга манзур бўлаётир.

Суратларда: «Тинчлик» отряди тарбиячиси Д. Зокирова болалар билан қизиқ китоб ҳақида фикрлашяпти.

Катта тарбиячи З. Зокирова эса «Моҳир қўллар» тўгараги аъзоларининг иши билан танишмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ТАТБИҚ ЭТИЛА БОШЛАДИ

Мустақил республикамизда халқ таълими ўз тараққиётининг янги босқичига ўтди. Мактаб олдидаги бугунги асосий вазифа мамлакатимиз, халқимиз олдида кўндаланг бўлиб турган энг асосий иқтисодий, ижтимоий, сиёсий муаммоларни, чуқур идрок этадиган, умуминсоний ва миллий қадриятларни эъзозлайдиган ёшларни тарбиялашдан иборатдир.

Экологик муаммолар бугунги кунда умуминсоний қадриятларнинг энг муҳими ҳисобланади. Бу муаммонинг салбий таъсирини ҳамма ерда сезмоқдамиз. Экологик муаммо — асримиз муаммосига айланган ва унинг олдини олиш учун барча табақа кишиларининг бирлашиб ҳаракат қилиши талаб этилмоқда.

Бу ишда ўрта мактаб ўқувчилари, айниқса, шахснинг фуқаролик хислатлари шакллана бошлаган 14—15 ёшли ўсмирлар жуда катта куч ҳисобланади. Ана шу ёшларда етарли миқдорда экологик билим ва кўникмалар ҳосил қилиш бугунги кун мактаби олдидаги асосий вазифадир.

Шу нуқтаи назардан «Маърифат» газетасининг 1993 йил 27 февраль сонида босилган «Узлуксизликни таъминлайди» мақоласи алоҳида аҳамиятга эга. Бу мақола ва ундаги яхлит табиат ҳақидаги, унинг умумий қонуниятлари тўғрисидаги — «Табиат ва техника» бирикма курсини киритиш масаласи замон талабига мос деб ўйлайман.

Мақола муаллифлари А. Баҳромов ва А. Ҳасановлар таклиф этаётган бирикма курс-мактаб таълимида тамомила янги курсдир. Ушбу бирикма курсини таълим тизимига жорий этиш билан у ёки бу табиий предметнинг манфаати камситилади деб тушуниш ноўриндир.

Бирикма курси мазмунан табиат ҳақидаги предметларнинг кичик ҳажмда тўпланган қисқартмаси мажмуаси эмас, балки мутлақо янги курсдир. Унинг мазмуни айрим предметлаардан олингаан юлуқ маълумотлар билан тўлдирилган бўлмай, балки табиат ҳақидаги билимлар йиғиндисидан иборатдир. Айрим фанлардан олинган билимлар курснинг асосий ғоясини тўлиқ очиб бериш учун ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда келтирилади. Шунинг учун ҳам бу курсни янги, экологик йўналишга эга бўлган курс деб атаяпмиз. Уни бир предмет нуқтаи назаридан баҳолаш тўғри бўлмайди. Чунки «Табиат ва техника» курснинг асосий вазифаси ўқувчиларга тирик табиат ва инсон организмининг фаолияти ва ривожланишини ҳамда инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг умумий принципларини тушуниб етиш учун зарур бўлган табиат ҳақидаги билимлар минимумини беришдан иборатдир.

Бирикма курсини таълим тизимига киритиш масаласида бир қанча қарама-қарши фикрлар туғилиши табиий. Чунки бу янги йўналишдир. Шуни таъкидламоқчи эдикки, таклиф этилаётган «Табиат ва техника» бирикма курси биринчидан, тамомила мустақил курс сифатида системали табиий предметларни (биология, физика, химия, география, астрономия) ўқитиш учун мустаҳкам замин тайёрлайди. Ўз навбатида, ушбу курснинг жорий этилиши системали курслар дастурини ҳам бугунги кун талаблари даражасида кескин қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

«Табиат ва техника» бирикма курсини ҳаётга татбиқ этиш қисман бошланди ҳисоб. Матбуотда эълон қилинган «Мактаб географиясини қайта қуришнинг илмий-услубий концепцияси»да ушбу бирикма курс киритилган. Географияни, айниқса табиий география бошланғич курсини ўрганишда ушбу бирикма курсининг беқиёс аҳамияти юқорида эслатилган концепцияда ҳисобга олинган.

Республика ўқув-методика марказида яқинда бўлиб ўтган география таълими бўйича ўқув-методика кенгаши ушбу бирикма курсининг ўқув дастурини тасдиқлади ва А. Баҳромов ҳамда А. Ҳасановларга бирикма курс бўйича дарслик тайёрлашни топширди.

Икки оғиз сўз курснинг номи ҳақида. Албатта, бу ном — «Табиат ва техника» — фан-техника тараққиёти туфайли атроф-муҳитга кўрсатилаётган жуда улкан таъсирлар, бу таъсирнинг оқибатлари жуда катта ҳудудларда намоён бўлаётганлиги нуқтаи назаридан, яъни социал-экологик жиҳатдан жуда тўғри танланган. Бироқ, курсни бошқача аташ ҳам мумкин: «Табиат ва инсон», «Табиёт», «Табиёт-шунослик». Албатта, гап курснинг номида эмас. Гап унинг мазмуни ва ўқитиш усулларининг дидактик талаб даражасида бўлишлигидадир.

Муаттар РАҲИМОВА,
Республика ўқув-методика марказининг етакчи услубчиси.

Шу кунларда барча халқ таълими муассасаларида янги 1993—94 ўқув йилига тараддуд қизғин паллага кирди. Самарқандлик маорифчиларнинг ҳам кун тартибида худди шу масала ҳозир асосий иш ҳисобланади. Биз у ерда амалга оширилаётган ишлар билан батафсилроқ танишиш ниятида вилоят халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳасан Норбекович НОРМУРОДОВга бир неча савол билан мурожаат этдик.

ЭРТАНИНГ ТАШВИШИ

— Ҳасан ака, янги ўқув йилига тайёргарлик одатдагидек режа тузиш билан бошланган бўлса керак. Унда қандай юмушларни бажариш кўзда тутилган?

— Вилоятимизда ишлар айнан шундан бошланди. 1993 йилда 112 та мактаб, 44 та болалар боғчаси, 4 та мактаб қошидаги интернат, 8 та ҲТБЮ, 4 та мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ва 15 та мактабдан ташқари муассасани тубдан таъмирлаш кўзда тутилган эди.

Шунингдек, барча молиялаштириш манбалари ва капитал қўймалар ҳисобига 11 минг 82 ўринли 23 та типовой ҳамда 6 та 1255 нафар ўқувчи ўрнига эга қўшимча ўқув хоналари қурилиши мўлжалланган. Ҳашар йўли билан қуриладиган мактаб бинолари ҳам ўтган йилларга нисбатан олинганда анчагина кўп. 5 минг ўринли қўшимча синф хоналари, 386 ишчи ўрнига эга 14 та ўқув устахонаси, 2090 ўринлик 28 та ошхона, 7 та спорт зали, 9 та спорт комплекси бевосита меҳаткашлар ҳиммати билан барпо этилиши керак эди.

— Умуман олганда, режалар, чакки эмас, бироқ кўзланган мақсадга эришиш учун унинг ўзи кифоя бўлмас.

— Албатта. Биз аввало вилоят ҳокимлигидан тортиб, хўжаликлар раҳбарларигача бу хусусда ўзаро келишиб, имкониятларни ўрганиб чиқдик. Йил бошидаги нарх-наво бўйича жамики қурилиш ва таъмир ишларига 420 миллион сўм талаб этиларди. Ҳозирча эса 65 миллион сўмдан ошиғроқ маблағ олдик. Республика бюджетидан эса 120 миллион сўм сарфлаш режалаштирилган. Шундан ҳозирча 12 миллион сўмдан ошиғроғини олдик.

— Ҳасан ака, туманларда олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Мени кейинги йилларда шу нарса хурсанд қиладики, ҳокимларнинг деярли барчаси маориф жонкуярлари. Айниқса, ҳокимлик ва халқ таълими бўлимлари ҳамкорлигининг ибратли намунаси Нуробод туманида (ҳокими Т. Р. Қиличев) яққол кўзга ташланади. Қурилиш, таъмир ва бошқа янги ўқув йили тайёргарлиги ишлари учун ҳокимлик 16 миллион 720 минг сўм ажратди. Туманда ҳозир янги ўқув йилига тайёргарлик ишларининг 80 фоизи бажариб қўйилди. Самарқанд шаҳри, Булунғур туманларида ҳам умумий иш ҳажмининг 60—70 фоизи уддаланди.

— Ўқувчиларнинг ёзги дам олишининг қандай ташкил этилганлиги ҳам, маълум жиҳатдан янги ўқув йилининг бошланишига таъсир қилади, менимча...

— Шак-шубҳасиз. Шу боисдан вилоятда бу тадбир аввало жойларда «93 йил—ёзи»ни ўтказиш бўйича амалий-услубий ёрдамлар уюштириш билан бошланди. 210 та умумтаълим мактаблари қошида кундузги соғломлаштирши оромгоҳлари 5 июндан иш бошлаган эди. Уларда 15845 ўқувчи ҳордиқ чиқаришмоқда. Бундан ташқари вилоятдаги болалар уйи ва мактаб-интернатларнинг ўқувчиларини соғломлаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилган. Уларнинг 250 нафари ўз оромгоҳларида, 300 га яқини эса касаба уюшмалари йўлланмалари билан турли дам олиш масканларида таътилни ўтказишмоқда.

Соғломлаштириш оромгоҳларида болаларни сифатли овқатлантириш ҳам биринчи масала қилиб қўйилган. Шу мақсадда вилоят касаба уюшмаси томонидан 1 гуруҳ дам олувчилари учун 40 миллион 459800 сўм маблағ ажратилган ва яна қўшимча тарзда 46 миллион 856200 сўм берилган. Бир болага кунига ўртача 280 сўм миқдорида озиқ-овқат тўғри келмоқда.

— Ҳасан ака, янги ўқув йилига тайёргарликни яхлит тасаввур қилиш, дарслик, ўқув қуроллари, қолаверса мактаб ўқувчиларининг махсус формаларисиз тасаввур қилиш мушкул. Шу каби масалаларнинг ҳал этилиши қандай бўлаяпти?

— Вилоятимиздаги барча мактаблар учун 1993—94 ўқув йили учун жами 199 номда 1 миллион 993 минг 820 нусхада, қиймати 85 миллион сўмлик дарсликлар ажратилган эди. Шу кунга ча 62 номдаги 1 миллион 438 минг 699 нусхада дарсликлар нашриётлардан етиб келди. Улар марказлаштирилган ҳолда туманларга тарқатилди.

Ўқувчиларни дафтар, қалам, ручка, сумка каби ўқув жиҳозлари билан таъминлаш борасида ҳам савдо тармоқлари билан ҳамкорликда анчагина ишлар амалга оширилган. Бугунги кунда 2,5 миллион дона умумий дафтар, 3 миллион 700 минг сўмлик рангли қаламлар, 1 миллион 200 минг сўмлик контур ва атлас хариталар заҳираси мавжуд. 700 минг сўмлик қиз ва ўғил болалар мактаб формалари сақланаяпти. Маълумингизким, яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Ўзбексавдо» давлат ассоциацияси, Ўзбекбирлашув правлениеси биргаликда «Янги 1993—94 ўқув йилида мактаб моллари савдосига тайёргарлик ва ташкил этиш тўғрисида» буйруқ чиқарди. Шунга асосан жойларда мактаб бозорлари ва ярмаркалар ташкил этиб, мазкур ўқув ашёлари ва ўқувчилар кийим-кечакларини ўз вақтида аҳолига етказиш тараддудидамиз.

— Суҳбатингиз учун ташаккур!

Абдусамат РАҲИМ суҳбатлашди.

ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

АДАБИЁТ ТАЪЛИМИ ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА

28 йилдан буён Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 21-мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан ўқувчиларга дарс бериб келмоқдаман. Касбимдан шу билан фахрланаман, ўқувчилар адабиёт фанини севиб ўқийдилар. Айниқса синфдан ташқари ишларни: шеърхонлик, мушоира, китобхонлар анжуманларини жуда ҳам мароқли ўтказадилар.

Собиқ Иттифоқ даврида биз адабиёт дарсларининг кўп қисмини рус адабиётига бағишлар эдик. Ўзбек адабиёти учун эса дарс соатлари жуда оз ажратиларди. Беҳбудий, Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Сўфизода, Элбек, Ботуларни деярли билмасдик ёки ўқувчиларга уларни қоралаб ўргатардик.

Шукурлар бўлсинки, давр ўзгарди, оққан дарё яна ўз ўзанига қайтди. Она Ўзбекистонимиз мустақилликка эришди. Ана шу ўзгаришлар туфайли ўзбек адабиёти дастурлари ҳам янгиланди. Мактабимизда олим Умарали Норматов раҳбарлигида бир гуруҳ мутахассислар томонидан тузилган ўрта умумтаълим мактаблари учун адабиёт дастуридан фойдаланиб дарс ўтмоқдамиз. Дастур жуда яхши тузилган. Айниқса, IX—X синфларда минг йиллик тарихга эга бўлган классик адабиётни ўтишимиз болаларга завқ бағишламоқда.

Имом Исмоил ал Бухорий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Рабғузий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Хоразмий, Дурбек, Кутб Атоий, Саккокий, Сайфи Сароий, Ҳайдар Хоразмий, Лутфий каби йирик адабиёт намояндаларини 9-синфда ўргатишимиз, ўқувчилар учун ҳам, ўқитувчиларимиз учун ҳам ниҳоятда қимматлидир. 10-синфларда Алишер Навоийдан бошлаб, то XX аср бошларигача бўлган давр адабиётини ўрганишимиз ҳам мақсадга мувофиқдир.

11-синфларда эса XX аср адабиётини ўрганамиз. Беҳбудий, Авлоний, Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби сиймолар ҳаёти ва ижоди давр талабига, айниқса, ҳамоҳанг ва мос.

Мана, ўқув йили ҳам тугади. Ҳадемай янги ўқув йили бошланади. Мени қизиқтиргани — дастур асосидаги дарсликлар сентябрь ойигача ўқувчилар ва ўқитувчилар қўлига етиб борадими? Шу ҳақда маълумот беришларингизни сўрайман.

Искандар ВОҲИДОВ, Бухоро вилоят Шофиркон тумани, 21-мактаб.

Сир эмаски, Ўзбекистон Республикаси миллий мустақиллиги халқ таълими тизимидаги деярли барча предметлар, хусусан ижтимоий фанлар таълимини ҳам яна бир бор кўздан кечириш, уларни такомиллаштириш, лозим бўлса уларни тамомила янгилаш вазифасини қўйди. Бу фикр таълимнинг барча бўғинларидаги ўзбек адабиёти предметининг ўқитилишига бевосита тааллуқлидир.

Бинобарин, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари жумладан, И. Воҳидовнинг ўзбек адабиёти таълими, дастур ва дарсликларнинг аҳволи ҳақида қуйинчаклик билан фикр билдираётганликлари ўринли. Бугунги кунда 1991—93 йилларда чоп этилган V—IX синф «Ватан адабиёти» дарслик—хрестоматиялари маънан ва мазмунан эскириб, мустақил республикамиз маънавий ҳаётига мос келмай қолганлиги ҳақида нафақат адабиёт муаллимлари, балки ота-оналар, кенг жамоатчилик асосли танқидий мулоҳазаларни баён этмоқдалар.

Бу ўринда биз амалда бўлиб келган дастур ва дарсликларнинг заифлиги ҳақида гапириб ўтирмаймиз. Чунки, «Ватан адабиёти» ёки «Ўзбек адабиёти тарихи», «Ўзбек совет адабиёти» деб номланган дарсликлар, дарслик-хрестоматиялар маълум даврнинг ҳукмрон мафкураси талаблари асосида яратилганлиги, дарсликларнинг деярли ярмини номиллий адабиётлар материаллари ташкил этгани каби камчилик ва нуқсонлари кўпчиликка маълум. Бу ўринда биз мавжуд аҳволни яхшилаш, адабиёт таълимини янгилашга тегишли олиб борилаётган ишлар билан таништирмоқчимиз.

Республикамиз ҳукумати ва Халқ таълими вазирлигининг ғамхўрлиги, саъй ҳаракатлари натижасида 1991 йил март ойидан эътиборан умумтаълим мактаблари учун ўзбек адабиётидан янги дастур ва дарсликлар яратиш ишига киришилганлиги кўпчиликка маълум. ТошДУ кафедра мудири, профессор Умарали Норматов раҳбарлигида бир гуруҳ таниқли адабиётшунослар, услубиётчилар ва тажрибали муаллимлар иштирокида «Ўзбек адабиёти» предмети бўйича V—XI синфлар учун мўлжалланган янги дастур лойиҳаси яратилди ва муҳокама учун «Маърифат» газетасининг 1991 йил сентябрь—октябрь сонларида, шунингдек Республика ўқув-методика маркази томонидан алоҳида китобча шаклида эълон қилинди. Дастур лойиҳаси олти ой давом этган қизғин муҳокама ва тортишувлардан кейин қабул қилинди. Шундан кейин тасдиқланган дастур асосида тезкорлик билан дарсликлар яратиш ишига киришилди.

Ўтган икки йиллик муддатда 5-синф «Ўзбек адабиёти» дарслиги (муаллифлари Б. Саримсоқов, Т. Халилов, Б. Қурбонбоев), 6-синф (муаллифлари Б. Саримсоқов, Т. Халилов, Б. Қурбонбоев), 7-синф (муаллифлари Қ. Йўлдошев, Р. Мажидов), 8-синф (муаллифлари А. Каттабеков, В. Раҳмонов) дарслик-мажмуалари, 9-синф «Ўзбек адабиёти» мажмуаси (тузувчилар Н. Комилов, Б. Тўхлиев), 10-синф (тузувчилар: Б. Қосимов, Н. Жумаев, С. Олим), 11-синф учун «XX аср ўзбек адабиёти» мажмуаси (тузувчилар У. Норматов, Б. Назаров, Т. Ниёзметова, Н. Каримов) тайёрланди ва муҳокамадан ўтгач, «Ўқитувчи» нашриётига топширилди.

Айтиш керакки, қоғоз тақчиллиги рўй бераётган ҳозирги қийин шароитда китоб нашр қилиш осон эмас. Шунга қарамасдан, «Ўқитувчи» нашриёти юқоридаги зарур ва ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга дарсликларни 1993 йилда, янги ўқув йили бошлангунга қадар нашр этиб беришга киришдики, жамоанинг бу ватанпарварлиги, ўта хайрли ва савоб ишни бажаришга астойдил ҳаракат таҳсинга сазовордир.

Адабиёт муаллимлари ва кенг жамоатчиликка шуни айтиб қўймоқчимизки, шу йил сентябрь ойигача ҳар бири ярим миллион нусхада чоп этилаётган еттита синф «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуалари ва шунингдек 25 минг нусхадаги V—XI синфлар учун мўлжалланган янги «Ўзбек адабиёти» дастури умумтаълим мактабларига бориб етади. Бу, шубҳасиз, Республика ўқув-методика маркази қошида шакллантирилган муаллифлар гуруҳи ва «Ўқитувчи» нашриёти жамоасининг Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигига муносиб туҳфаси бўлади.

Бахтиёр ҚУРБОНБОЕВ, Республика ўқув-методика маркази ўзбек тили ва адабиёти бўлимининг мудири, филология фанлари номзоди, доцент.

• ХАТ ВА ШАРҲ

МАКТАБНИ КИМ ТАЪМИРЛАЙДИ?

Мақола муаллифи П. Дўстмаматов ўз чиқишида мактабни таъмирлашдек муҳим масалани кўтарган. Умуман, мактаб қурилишига давлат миқёсида қандай эътибор бериляпти? Шу мақсадда хатни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси бошлиғи Саидумар Саидовдан шарҳлаб беришни сўрадик.

Мақолада республикамиздаги мактабларда ҳозирги кунда ечимини кутаётган долзарб масала юзасидан фикр юритилган. Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти шароитида халқ таълими муассасаларини, жумладан, мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш кундан-кунга мураккаблашиб бормоқда. Устига-устак таъмирлаш учун зарур қурилиш материаллари ҳам етишмайди, топилганда эса нархи осмонда. Хўш, бу муаммони ҳал қилишнинг қандай йўллари бор? Кўпчилигимизда мактаб, болалар боғчалари, умуман, халқ таълими муассасалари — давлатники, деган тушунча шаклланиб қолган. Тўғри, мактаблар ҳам, болалар боғчалари ҳам давлат маблағи ҳисобига қурилади, жиҳозланади. Улар зарур бўлган жиҳозлар, ўқув кўргазмали қуроллари, техник воситалар билан таъминлаб турилади. Лекин бу масканларда халқимизнинг фарзандлари тарбияланади. Демак, мактаблар ҳам, болалар боғчалари ҳам халқнинг мулки ҳисобланиши керак. Бу мулкни шахсий мулкимиз каби кўз қорачиғидай сақлашга ўрганишимиз, одатланишимиз зарур. Кейинги пайтларда мактабга эътибор анча кучайди. Маҳаллий ҳокимиятлар, жамоа хўжаликлари ватанпарварлик намуналарини кўрсатиб, келажак авлодга ғамхўрлик сифатида ўз маблағларига қатор мактаблар қуриб беряптилар. Ўтган беш ой мобайнида, 45 та мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шундан 18 таси маҳаллий ҳокимиятларнинг саъй-ҳаракатлари билан, 8 таси вазирликлар ва ташкилотлар ҳисобидан, 19 таси эса жамоа хўжаликлари ҳисобидан қуриб битказилди. Тўғри, бу кўрсаткичлар ҳали кам бўлса-да, лекин хайрли ишлар қанот ёзаётганидан далолат беряпти.

Мактабни таъмирлаш учун ота-оналардан пул йиғиб олиняпти, шу нарса тўғрими, деган ўринли саволларни кўплаб эшитамиз. Тўғри, мактабни таъмирлаш учун ота-оналардан пул йиғиб олинсин, деган ҳеч қандай кўрсатма йўқ. Лекин ҳозирги иқтисодий қийинчиликлардан келиб чиқиб, ҳар бир ота-она оилавий шароитини ҳисобга олган ҳолда илмгоҳларни таъмирлашга баҳоли қудрат маблағ ажратса, бунинг нимаси ёмон? Ахир, шу мактабларда, боғчаларда ўз фарзандлари тарбия олади-ку.

Муаллифнинг эътиборни жалб қиладиган яна бир мулоҳазали фикри бор. Бу халқ таълими муассасалари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, молиявий муаммоларни ҳал қилиши мумкинлиги масаласидир. Дарҳақиқат, мактабларимизда ҳам, болалар боғчаларида ҳам, умуман, барча халқ таълими муассасаларида қўшимча маблағ ишлашнинг ўзига хос имкониятлари мавжуддир. Мен саводхонлик дарсини бермоқчи эмасман, аммо ҳар бир жамоада ўз шароитидан келиб чиқиб, қандай қилиб қўшимча маблағ ишлаш йўлларидан айримларини халқ таълими ходимлари эътиборига ҳавола қилмоқчиман. Бу борада муалифнинг халқ таълими муассасалари ер-участкаларидан унумли фойдаланиши мумкинлиги ҳақидаги фикри ўринлидир. Яна бир йўли — жисмоний тарбия залларини ижарага бериб ҳам қўшимча маблағ ишлашни, олий ўқув юртига кирадиган ўқувчиларга қўшимча дарслар ўтиш, мактаб устахоналарида ҳар хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ҳоказо йўллар билан ҳам мактабнинг ҳисобига салмоқли миқдорда маблағ тушириш мумкин.

Мавзуимизда халқ таълими муассасаларининг моддий-техник негизини (базасини) мустаҳкамлаш ҳақида сўз кетаётган экан, мен яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. Республикамизнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида ҳозирги кунда масжидлар қуриляпти. Масжидлар ҳашар йўли билан халқдан тўпланган маблағлар ҳисобига бунёд этилмоқда. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: наҳотки ўнлаб масжидлар қурилаётган жойда битта мактаб ёки болалар боғчаси қурилиши учун маблағ топилмаса?!

Муаллиф таъкидлаганидек, хайрия жамғармаси тузиш юзасидан Халқ таълими вазирлигида иш олиб борилмоқда. Мутасадди вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда зарур ҳужжатлар тайёрланиб, «Таълим жамғармаси» ташкил этиш юзасидан Вазирлар маҳкамасига тақдим этилиш арафасида. Яқин кунлар ичида бу масала ижобий ҳал этилишига умид боғланмоқда.

Мақола муаллифи Пиримқул Дўстмаматов сингари халқ таълими жонкуярлари сафимизда қанчалик кўп бўлса, халқ таълимининг ривожи ва равнақи ҳам шунча илгарилаган бўларди.

Саидумар САИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси бошлиғи.

Мактаб, бу — ёшлигимизнинг беғубор тонги, билимлар ўчоғи. Лекин, менинг назаримда, унинг серқирра ҳаётида битта муаммо сира ўз ечимини тополмаётганга ўхшайди. Шу ҳақда ўйлар эканман, бир савол ёдимга тушаверади: мактабни ким таъмирлайди?

Биз мактаб ҳақида кўп қайғурдик. Мактаб бу — давлат иши, деб ҳозир ҳам гапириб келаяпмиз. Ўша турғунлик, лекин аслида «коммунизм» даврида мактаб ислоҳотини ҳам ўтказиб бўлдик. Ҳар бир мактабга биттадан корхона ёки хўжаликларни оталиқ ташкилотлари деб белгиладик, беҳисоб қарорлар қабул қилдик. Бироқ мактабни таъмирлаш масаласи ҳамон муаммолигача қолаяпти. Ҳар йили август ойида бу серташвиш масала амал-тақал билан ҳал бўлади, лекин ҳар гал ўқув йили ниҳоясига етганда мактаб директори ва ўқитувчилар бу муаммодан безиллаб туришади. Бири мактабни бу йил амаллаб таъмирлаб олсак, марра бизники бўлади, деб ташвишга тушса, иккинчиси эса ўқувчиларидан имтиҳон олиш ўрнига, синфни таъмирлаш учун пул тўплашга тушади. Хуллас, ҳамманинг ўй-хаёлида битта фикр айланаверади: мактабни ким таъмирлайди?

Амалдор ота ёки она боласини ўйлайди, мактабга мурувват қилгиси келади, лекин бугун мактабни саховатлар эвазига таъмирлаб бўладими? Амал-тақал қилиб ўқувчилардан маълум миқдорда пул ҳам йиғилади, лекин ўша-ўша азалий савол — синфни ким таъмирлайди? Синф раҳбари тўпланган бир даста пул билан мактаб директорининг ҳузурига киради, ёрдам сўрайди. Аммо директор ҳам — тирик жон, йил бўйи унинг асаби ҳам синф раҳбариникидан кам бузилмаган. — Синфга ким раҳбарлик қилади? — дейди у ва яна асабийлашиб. — Қурилиш ташкилотига учранг, фалон куни синфни сиздан қабул қилиб олишим керак.

Бечора ўқитувчи нима қилади? У яна изланади, елади ва югуради. Бироқ мактабни таъмирдан чиқариш учун қачонгача болалардан чақа йиғиб кун кўриш керак? Чақа топилса, таъмирловчи топилмайди. Топилганда эса, таъмирлаш муддатлари чўзилаверади. Бундай кўнгилсизликларга қачон чек қўямиз? Ўқитувчининг зиммасига юкланиб қолаётган бу долзарб ишни ким ҳал этади?

Битта муаммо бўйича беҳисоб саволлар бериш, бу қадар мулоҳаза-ю, мушоҳада қилган билан иш битмайди. Лекин ишнинг кўзини билмаймиз, десак хато бўлади, — биламиз! Афсуски, асосий мақсадларни рўёбга чиқарадиган ишбилармон ҳанузгача топилмаяпти.

Ўқитувчиларимиз бошқа ишларга андармон бўлиб қолишаяпти. Бунинг ўрнига, масалан, мактабни таъмирлаш муаммосини нега кўтармаяпмиз? Мактабни таъмирлаш юзасидан аниқ таклиф ва мулоҳазалар ҳам йўқ. Бу долзарб муаммо қачон ҳал бўлади-ю, биз бу оғир аҳволдан қачон қутуламиз?

Сўнгги йилларда халқимиз саховати билан турли хайрия жамғармалари кўпайди. Ажаб эмаски, яқин орада «Мактаб» деган ғоятда қимматли ва фойдали жамғарма тузилса-ю, фарзандларимиз илм олаётган даргоҳлар ҳам гуллаб-яшнаб кетса. Кези келиб бу таклифим болажон халқимиз назаридан четга чиқиб қолмаслигига ишонаман.

Яна бир таклиф бор. Ҳозир республикамизда ишбилармонлар ташкил этган минг-минглаб катта-кичик корхоналар, фирмалар ва ширкатлар фаолият кўрсатаяпти. Тижорат банқлари ҳам кўпаймоқда. Давлат корхоналари ҳамма жойда бор. Мактаб таъмирини назарда тутиб, жойлардаги раҳбарлар ана шу корхоналар олаётган даромаднинг маълум бир қисмини ажратиб беришни қонунлаштириб қўйсалар, шунингдек, ана шу корхоналар раҳбарларининг бу ҳақдаги ахборотларн тинглаб турилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Муаммони ҳал қилишнинг яна бир йўли — ҳар бир қишлоқ мактабини ихтисослаштиришдир. Барча имкониятларга эга бўлган айрим қишлоқ мактаблари хўжалик ишлари, мактабнинг моддий базасини яратиш билан шуғулланишмайди, боғ-роғ яратмайди, полиз қилмайди. Жамоа хўжаликлари ҳам бепарво бўлиб турмасдан, мактабга маълум гектар ёки сотих экин майдони ажратиб берса, айни муддао бўларди. Агар ана шу ишлар тўлиқ амалга оширилса, биз бу йўл билан учта ғоятда муҳим вазифани уддалаган бўламиз. Биринчидан, Ўзбекистон мустақиллигининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшамиз. Иккинчидан, ўқувчи ёшларни бир қатор соҳалар бўйича бўлғуси ишбилармон ва фермерлар қилиб вояга етказамиз. Учинчидан эса, нафақат мактабни таъмирлаш, балки унинг беҳисоб бошқа молиявий муаммоларини ҳам ҳал қиламиз. Биз бу масалани ҳам жиддий ўйлаб кўришимиз, аввалги пайтлардаги сингари кимнингдир кўрсатмасини, буйруғини кутиб турмасдан, имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, жамоа хўжаликларидан, совхозлардан ер ажратиб, мактабларга ёрдам берсак кўзлаган натижага эришишимиз мумкин. Ахир мактаб иши ҳаммамизнинг ишимиз, деймиз-ку! Демак ана шу чақириққа жавоб тариқасида масъулиятни ҳис қилсак, яхши бўларди.

«Ўзбекистоннинг бугун фақат битта йўли бор, — таъкидлайди Президентимиз И. А. Каримов, — у ҳам бўлса— ўз мустақиллигини мустаҳкамлаб, олга юришдир. Бошқа йўл йўқ». Умид қиламизки, ҳар бир мактабнинг ҳам ўз истиқлол йўли, янгиланиш ва тараққиёт йўли бўлади. Уни амалга ошириш, ёшларимизнинг яхши илм олишлари учун барча шарт-шароитни ҳозирлаш, билимли ва ишбилармон кишиларни жамиятга етказиб бериш, сизу биздан собитқадамликни, хайрли ишга бош қўйишни талаб этади.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ.

Тошкентдаги 109-мактаб жамоаси шу кунларда ёппасига ўқув хоналари таъмири билан шуғулланишмоқда. Ҳозир асосий ишлар тугаб, буёқлаш, ўқув жиҳозларини жой-жойига қўйиш каби юмушлар қолган, холос.

Тасвирда мактаб техник хизматчилари иш устида.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга олган.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Ғани ИКРОМОВ!

Табаррук 50 ёшга тўлганлигингиз муносабати билан Сизни чин қалбдан табриклаймиз. Уттиз йилдирки, халқ таълими тизимида ҳалол меҳнат қилиб, ота-оналар, ўқувчилар ва жамоатчилик ҳурматига сазовор бўлиб келмоқдасиз.

Сизга оилавий хотиржамлик, боқий умр тилаймиз.

Тошкент вилояти Зангиота тумани халқ таълими бўлими ходимлари ҳамда 8-мактаб жамоаси.

Азиз ва меҳрибон ДИЛОРОМ ШАРИПОВА!

Уттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида халқ таълими тизимида самарали ишлаб, эл ҳурматини қозондингиз. Эндиликда ҳамкасбларингиз, қанчадан-қанча шогирдларингиз Сизни алқаб гапиришади. Биз бундан фахрланамиз.

Табаррук 55 ёшингиз муборак бўлсин!

Турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингиз.

Ҳурматли Олимжон СОЛИҲОВ!

Сизни А. Авлоний номидаги марказий халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти раҳбарияти ҳамда касаба уюшмаси қутлуғ 50 ёшингиз билан чин дилдан муборакбод этади.

Сиҳат-саломатлик, завқу шавқ доимо ҳамроҳингиз бўлиб қолишини тилайди.

ХОТИРА СОВРИНИ

Пастдарғом туманидаги 42-ўрта мактабни 1983 йилда битирган собиқ ўқувчилар устозлари Умрқул Салимов, Хўжаёр Худоёров, Энза Бикчурина ва синфдошлари Маърифат Бердиева ҳамда Шерали Исмоиловлар хотирасига бағишлаб футбол ва баскетбол мусобақаси ўтказдилар. Мусобақага Қўчқор Тўраев номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги 26, 27, 33, 42, 49-мактаблар ва 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда жамоа хўжалигининг ёш спортчилари иштирок этдилар.

Ўқитувчи Шарофиддин Хушвақтов марҳумларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қисқача сўзлади. Шундан кейин мусобақалар бошланди. Қўчқор Тўраев номли жамоа хўжалигининг футболчи ёшлари биринчи ўринни эгаллаб, диплом ҳамда 3 минг сўм пул мукофотини қўлга киритишди. Иккинчи ўринни мактабни 1983 йили битирган ёшлар гуруҳи эгаллаб, диплом ва 1500 сўм пул мукофоти олишди. Учинчи ўринни эса 33-мактаб ўқитувчилар командаси эгаллади.

Баскетбол бўйича биринчи ўринни 26-мактаб, иккинчи ўринни 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, учинчи ўринни эса 42-мактаб ўқитувчилар гуруҳи эгаллади.

Ш. ШОНАЗАРОВ.
Самарқанд вилояти.

• *Педагог турмуш тарзи*

„СУЯГИМ ЎҚИТУВЧИЛИК НОНИНИ ЕБ ҚОТГАН“

Оламнинг ўзи ранг-баранг бўлганидек, одамлар ҳам турлича бўлиб, ўзларига яраша касб-кор билан шуғулланишади. Бинобарин, ҳар бир касбнинг ўзига хос завқ-сурури, қудрат-шуури борки, унинг соҳибқирони бўлган инсоннинг умр мазмуни жамиятдаги ва оиладаги ўрни, мавқеи, иззат-обрўси, қадр-қиммати ҳам ана шу касб фаолиятининг мезони билан ўлчанади. Назаримда, педагоглик ҳам бундан мустасно бўлмай, уни касбларнинг энг улуғи десак муболаға бўлмас. Сабаби — ҳар қандай касб-ҳунар ва илм-маърифатни эгаллашда дуч келувчи сўқмоқли йўллар ўқитувчининг қалб машъалидан нурафшон.

Ана шундай қалб қўри, дил меҳрини қўшиб сабоқ бераётган заҳматкаш муаллимлардан бири Озода Зоҳидовадир.

Лутфий маҳалласида истиқомат қилаётган Зоҳидовалар хонадонига ташриф буюрар эканмиз, халқимизнинг оила остонадан бошланади, деган ҳикматли нақли ёдимизга тушди. Ҳали ичкарига кирмасингиздан нигоҳингиз шиғил мева туккан олма, олча, ҳосили қип-қизариб пишган гилос дарахтларига тушади. Нав-ниҳоллар атрофида очилиб турган хилма-хил гуллар анвойи бўй таратиб турибди.

Мўъжазгина ҳовлида ҳам ана шундай манзара намоён. Ҳовли супурилган. Ҳаммаёқ саранжом-сариштa. Бизни уй соҳибаси — Озода Зоҳидова хушмуомалалик билан қарши олди. Билишимизча, у мактабдаги фаолиятини ниҳоясига етказибоқ Фарҳод бозорига кириб, бозор-ўчар юмушларини ҳам бир йўла битириб келаётган экан. Ахир, вақтдан унумли фойдаланиш ҳар бир тадбиркор аёл учун, айниқса, ўқитувчи учун жуда муҳим. Гапга гап уланиб Озодага саволлар билан мурожаат ҳам қилдик.

— Оилангиз мактабда, қўпаверса, маҳаллада одоб, ахлоқ, муомала борасида намунали, режали оилалар қаторида экан. Бундай мавқега эришишнинг боиси нимада деб биласиз?

— Уч фарзандим бор. Катта ўғлим Акмал ўзим ишлайдиган Чилонзор туманидаги Аброр Ҳидоятов номли мактабнинг 10-синфида, Анвар 36-ҳунар-техника билим юртида, кенжам — Шуҳрат эса 3-синфда таҳсил олишмоқда. Ўзим деярли ҳар куни мактабдаман. Турмуш ўртоғим Акром Зоҳидов I тоифали ўқитувчи, 19 йилдан буён Тошкент тижорат (аввалги савдо) техникумида ишлайдилар. Қариси бор уйнинг париси бор, деб бежиз айтишмаган донолар. 77 ёшли қайнонам, гарчанд бемалол юролмасалар ҳам, болаларимнинг юриш-туриши, уйга вақтида келиши, дарс тайёрлашлари юзасидан назорат қилиб турадилар. Мактаб ўқитувчидан кундалик режа тузишни талаб қилганидек, оилада рўзғор юритиш ҳам аниқликни талаб қилади. Бас, шундай экан, рўзғор учун зарур бўлган сарф-харажатларнинг ўрнида бўлишига ҳаракат қиламан.

— Зиёкорлик касби қийин эмасми? Нима учун сиз айнан ўқитувчиликни танлагансиз? Замона айланиб касб танлашга тўғри келиб қолса, сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?

— Маълумки, бола оила қучоғида камол топади. Ёшлигидан ота-онасининг меҳнатига қизиқиб, ҳавас билан қарайди, улардек меҳнат қилишни орзу қилади. Бунинг боиси шуки, бола оила даврасида бўладиган суҳбатларда иштирок этар экан, катталар меҳнати моҳиятини аста-секин тушуна боради. Қолаверса, ота-она тер тўкиб меҳнат қилгани туфайли оила фаровон яшаётганини тушуниб етади. Шу тариқа болада меҳнат ва касб ҳурмат қилсин. Мен пастроқ баҳоларда ўқийдиган болаларнинг ажойиб фазилатларини мақтайман, кези келганда шеърий ҳамда ором дақиқаларидан фойдаланаман. Ҳатто, ашула ҳам айтиб бераман. Қўйингки, ўзимда бўлган барча санъатни ишга солиб, болалар қалбига йўл топаман. Ўқитувчи, айниқса, адабиёт муаллими том маънода артист ҳам бўлиши керак экан.

Ислоҳот талаблари асосида ҳозирги замон дарсининг тузилиши, методик жиҳатлари, мазмуни, дарс самарадорлигига эришишнинг йўл-йўриқлари, ёшларни маънавий тарбиялаш борасида гап борар экан, қайнотамнинг: «Ўқитувчи қайралган пичоқдек бўлиши керак, яъни нимунали дарс беришга ҳамиша тайёр бўлиши лозим», деган гаплари ёдимга тушади. Дарс жараёнида кўзланган мақсадга эришиш учун, биринчидан, илғор методик материалларни тўплайман. Кабинетда адабиёт ўқитувчилари билан биргаликда кутубхона ташкил қилганмиз. «Халқ сўзи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Туркистон», «Маърифат», «Тошкент оқшоми», «Халқ таълими», «Саодат», «Фан ва турмуш», «Шарқ юлдузи», «Ёшлик», «Сирли олам» сингари газета ва журналларнинг янги сонлари билан мунтазам танишиб бораман. Ундаги таълим-тарбияга оид мақолалар, илғор иш тажрибаларни ўрганиб, дарсда қўллашга, шунингдек, техника воситаларидан, ўқув фильмларидан ҳам самарали фойдаланишга ҳаракат қиламан. Дарсни шеърий дақиқадан, яъни Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов сингари шоирларнинг шеърлари билан бошлайман. Шеър эшитиш жараёнида ўқувчиларнинг фикри бир ерга жамланади. Сўнгра асосий мавзуга ўтаман. Ҳар бир дарсда янгилик беришга, ўқувчи хотирасида бирор муҳим тушунча қолдиришга интиламан.

— Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги мураккаб бир шароитда оила бюджети қандай тақсимланяпти? Рўзғор тебратиш қийин кечмаяптими?

— Оиламизнинг ойлик даромади 18 минг сўм. Давлат томонидан (болалар кийим-кечагига берилгани билан) 120 сўм компенсация ва билим юртида ўқиётган ўғлимга бериладиган 40 сўмни қўшиб ҳисоблаганда 18160 сўмни ташкил қилади. Мана, Президентимизнинг янги Фармонига кўра, июнь ойидан бошлаб оиламиз ойлик даромади 2,5 баробарга ортади. июлдан эса яна 1,5 баробарга ўсади. Ҳукуматимизнинг зиёкорларга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрликларидан беҳад миннатдормиз. Бу ҳам оиламиз бюджетига маълум даражада салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Оила бюджети ҳақида гап кетганда, доно халқимизнинг «Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилур», деган ҳикматини эслайман. Рўзғори тўкис бўлишини ўйлаган одам майда-чуйда нарсалар харид қилишдан бошлаб ҳисоб-китоб қилиши керак. Битта товуққа ҳам дон, ҳам сув керак деганларидек, кундалик рўзғор, кийим-кечак, мактаб формалари, ўқув қуроллар—ҳамма-ҳаммасига оила бюджетини етказиш лозим.

— Ёшларга чуқур ва пухта билим беришда қандай муаммолар мавжуд?

— Жумҳуриятимиз истиқлолга эришгани туфайли ўзимизни, ўзлигимизни танитиш имкониятига эга бўлдик. Шу муносабат билан адабиётдан янги дастур ишлаб чиқилди. Бироқ ана шу дастур асосида дарсликлар, методик ишланмалар, техника воситалари ҳамда унутилган шоир ва ёзувчилар ҳаёти ва фаолияти билан таништирадиган қўлланмалар йўқ. Адабиёт кабинети ана шундай жиҳозларга бой бўлишини истардим. Биз ёзувчи ва шоирларнинг, айниқса, қатағон қилинган ёзувчи ва шоирларнинг асарларини ўтганимизда муаллифларининг расмлари, портретларидан фойдалансак дуруст бўларди. Маънавий соғлом авлодни тарбиялашимизда рассомларнинг асарлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун мактабларга рассом керак. Шоир, ёзувчи, рассом ва файласуф олимларимиздан болалар маънавиятини бойитадиган асарлар кутамиз.

О. Зоҳидова ва унинг оиласини яқиндан билган кишилар қуйидаги фикр-мулоҳазаларни билдирадилар.

— Озоданинг исми жисмига монанд,— дейди мактаб директори Диана Урозметова. — Одобли, ахлоқли. Ўқувчилар билан ҳам, ҳамкасблари билан ҳам тезда «тил топишиб» кетади. Дарсида бўлган киши эстетик завқ олади. Уз устида кўп ишлайди, изланади. Ҳар бир дарсга ижодий ёндашади. Мактабда ишлаётганига ўн беш йил бўлаётган бўлса, бирон марта ҳам синфга кўргазмали қуролларсиз кирганини билмайман. Шунинг учун бўлса керак, кўпчилик ота-оналар Зоҳидова дарс бераётган синфда фарзандлари таҳсил олишини истайдилар. Мактабда ўтказиладиган кечалар, байрамларга унинг жозибали ашуласи файз киритади. Тарбиялаётган фарзандлари ҳам мўмин, қобилиятли. Айниқса, ўғли Акмал туман ўқувчилар уйидаги рассомлик тўгарагида қатнашган эмасми, мактаб деворий газеталари, кўргазмали қуроллар, расм чизиш сингари жамоатчилик ишларида яқиндан кўмаклашади.

— Тежоғликнинг иши бежоғлик,— дейди Лутфий маҳалла қўмитаси раиси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, подполковник Тоир ака Усмонов. — Зоҳидовлар оиласи меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги, хушмуомалалиги, ахлоқ-одоби билан бошқаларга намуна бўла олади. Мана, Акмал ва Анвар исмли ўғилларк ўтган ёзги таътил даврида болалар маданият ва истироҳат боғида ишлаб оила бюджетига 3000 сўм қўшдилар. Кўча чангитиб, нима қилишини билмай юрган болалар ана шундай фойдали иш билан шуғулланса лар ёмон бўлмасди. Озоданинг шу йилнинг март ойида ўтказган «Одоб — кишининг зеб-зийнати» мавзуидаги очиқ тарбиявий соатида иштирок этгандим. Ўқитувчи бўлганим учун дарснинг асл моҳиятини тезда англадим. Ўшанда Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг курс тингловчилари ҳам ташриф буюришган эди. Машғулот барчамизда яхши таассурот қолдирди.

Зоҳидова маҳаллада ҳам хотин-қизлар кенгашининг фаол аъзоларидан. У маҳалла қўмитасида ота-оналар билан бирга ишлайди. Қўни-қўшнилар, таниш-билишлар орасида камтарлиги, хушмуомалалилиги, кечиримлилиги билан обрў қозонган. Яна бир олижаноб ишларидан бири кўп йиллардан бўён бетоб қайнонасини ёш болани парвариш қилгандек оқ ювиб, оқ тараб, хизматини бажо келтираётганидир.

Ҳа, Озода Зоҳидовадай ўз ишига фидойи, куч-ғайрати ва билимини халқ фарзандларидан аямайдиган шарафли ва масъулиятли касб эгаларини ҳар қанча эъзозласак оз.

Дилбар ҲУЖАЕВА.

• *Мактабгача тарбия муассасаларида*

ХАЙР БОҒЧА, БОҒЧАЖОН...

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 336-боғча ҳар доимгидан ҳам ўзгача файзли, тароватли бўлди. Боғчанинг мусиқа зали чўғдек безатилган. Девордаги суратларда қалдирғоч қанотига тизилган болалар, чилдирма чалаётган болакай ва рақс тушаётган қизалоқ суратлари акс эттирилган.

Бу тантананинг боиси бежиз эмас, албатта. Боғча ўзининг 42 нафар ўғил-қизини мактабга кузатаяпти. Шунинг учун ҳам тарбиячилар-у, тарбияланувчилар чеҳрасида шодлик, ҳаяжон, сурур. Меҳмон бўлиб келишган ота-оналар, тумандаги бошқа болалар боғчалари вакиллари, республикада таниқли шоир Нормурод Нарзуллаев, Ўзбекистон ойнаижаҳони ходимлари ва бошқалар кичкинтойлар қувончига шерик бўлиб ўтиришибди.

Оппоқ либосли боғча битирувчилари тарбиячи опалари Фотима Норалиева ва Гули Муҳаммадалиевалар билан биргаликда тайёрлашган хайрлашув дастурини намойиш қилишди. Кичкинтойлар ижро этган куй, қўшиқ, рақс ва шеърлар катталарни хурсанд қилди.

Тантана сўнгида Ўзбекистон мадҳияси ижро этилди. Бундай тадбирлар мазкур «Шабнам» болалар боғчасида тез-тез ўтказилиб турилади. Боғча Чилонзор туманидаги намунали мактабгача тарбия муассасаларидан бири. Жажжилар масканига малакали педагог Зайнаб опа Абирова раҳбарлик қилмоқда. Бу ерда меҳнат аҳлининг 280 нафар ўғли-қизи тарбияланяпти. Улар атрофида 40 нафар тарбиячи ва бошқа хизматчилар парвона. Боғчадаги болалар турли миллатга мансуб. Шунинг учун ҳам тарбиявий ишлар ўзбек ва рус тилида олиб борилмоқда.

Кичкинтойлар масканида барча шарт-шароит яратилган. Шунингдек, ҳовли саҳни ҳам кўркам ва сўлим боғдан иборат. Гарчи, жазирама иссиқ бўлсада, болажонлар салқин боғда завқ-шавқ билан мириқиб ўйнаб-кулишлари мумкин. Барча хоналар-у, оромгоҳлар, ўйингоҳлар ҳар жиҳатдан қулай ва шинам. Тиббиёт хонасида муолажа дори-дармонлари ва бошқа тиббий асбоб-ускуналари етарли. Малакали врач ва тиббиёт ҳамшираси доимий равишда болажонларнинг саломатликларини назорат қилиб туришади.

Соғлом авлод соғлом келажакни яратади. Буни жуда яхши ҳис этган боғча жамоаси жажжиларнинг саломатликларини муҳофаза қилиш мақсадида астойдил жон куйдириб ишлаяптилар. Тиббиёт ходимлари боғча ҳовлисига экилган бўтакўз, тоғ райҳони, ялпиз ва бошқа дармондори ўтлардан болакайларга турли ичимликлар тайёрлаб беришади. Боғчадаги полиз маҳсулотларига ҳам ҳавас қилса арзигулик. Турли мевали дарахтлар: олма, ўрик, шафтоли, гилос ва бошқа мевалардан, полиздаги помидор, бодринг, бақлажонлардан болалар тўйиб истеъмол қилишади.

Боғчадаги ишлар режалаштирилган. Боғча беш кунлик бўлганлиги учун бу ердаги ҳар бир кун ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, душанба куни «Соғлом танда соғ ақл», «Саломатлик сабоқлари» деб юритилади. Бунинг маъноси шуки, душанба куни врач ва тиббиёт ҳамшираси ҳар бир болани тиббий кўрикдан ўтказади. Ўша кунги машғулотлар ҳам одоблик, гигиенага доир суҳбатлар асосида бўлади. Сешанба куни «Бугун ўзбекча сўзлашамиз» деган мавзуга бағишланган. Бу куни боғчадаги каттаю-кичик ўзбек тилида сўзлашади. Чоршанба куни — мусиқа куни. Бу куни мусиқа янграб туради. Кичкинтойларнинг «Шабнам» бадиий ҳаваскорлик дастаси концерт намойиш қилади. Пайшанба куни: «Ота-буваларимиз, онамомоларимиз руҳини шод этайлик» деган мавзуга бағишланади. Бу куни тарбиячилар Аҳмад Яссавий, А. Навоий, Нақшбандий, Бобур ва жаҳонгир Темур, Нодирабегим, Улуғбек каби алломалар тўғрисида болаларга ҳикоялар қилиб беришади. Жума куни:— «Фарзанд азиз — одоби ундан азиз» мавзуи. Бу куни асосан одобномага бағишланган. Болаларга ўзбекча расм-русумлар, ўтириш-туриш, саломлашиш ва муомала одоблари сингдириладди.

Шуниси диққатга сазоворки, буларнинг барчаси қизиқарли ўйин тарзида бўлиб, болаларни бу машғулотлар зериктирмайди, аксинча қизиқтиради. Яна боғчанинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу ерда тарбиячилар ўзлари қурган тандирда ширин кулчалар ёпиб, кичкинтойларни хурсанд қилишмоқда.

Хуллас, боғча жажжиларнинг азиз ва қадрдон масканига айланиб қолган. Беш-олти йил давомида қатнаган бу жонбахш гўшадан айрилиш 42 нафар болакай қалбига илк изтиробларни солса-да, янги олам, фан ва билим манзили — мактаб уларга мунтазир.

Йўлларинг - ойдин, эртанг ёруғ бўлсин, болажон!

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ШИНГИЛ ҲИКОЯ

Ишдан келиб бироз дам олгач, ҳовлига чиқдим. Рўпарамда ланг очиқ турган, кесакиси синган эшикка кўзим тушди. Кўпдан бери деворга суяб қўйган эшикни тузатиб қўйишга жазм қилдим. Омбир, болтаю теша ҳам ўрнида йўқ эди.

— Собиржон, болта, аррани биров олиб кетибди. Уйингдан бориб олиб кел-чи, деб илтимос қилдим, ёнимда ўғлим билан ўйнаб ўтирган қўшнининг боласидан.

— Бормайман, — деди у.

— Нима иш қилиб чарчадинг, ўғлим? Бор, бора қол, дедим.

Бормайман дедимми, бормайман.

— Боланинг кўнглини тушундим. Жанжалкаш онаси Барнохондан қўрқиб титраб ўтирибди. Ўзларига бирор нарса зарур бўлиб қолса, қаердан бўлмасин топтириб келади. Бўлмаса иккн оёғимни бир этикка тиқиб, бермасимга қўймасдан биздан олиб кетади. Ўзларида бор нарсасини ўзгаларга бермайдиган «пишиқ» одам.

— Жон болам, турақол. Нодир, сен ҳам бирга бор, — деб новдаларни от қилиб ўйнаб ўтирган 8 яшар ўғлимни кўндирмоқчи бўлдим. Ниҳоят иккови бирин-кетин новдани «от» қилиб миниб олди-да чопиб кетишди.

Бир вақт қарасам йиғидан кўзи шишган ўғлим чопиб келаяпти.

— Ҳа, нима бўлди сенга, — дедим уни юпатиб.

— Нима бўлди, — дейди-я яна, қарасам Барно турибди қаршимда.

— Ўғлингизга айтиб қўйинг, жим юрсин. Боламга тинчлик берадими йўқми ўзи? Ўзидан каттага таёқ ўқталади, ҳа тарбия кўрмаган! — дея вайсади у ва: — Қўрқоқсан, лапашангсан! — ўғлини уриша кетди. — Қўрқоқ бўлмасанг капкатта бўла туриб, ўзингдан кичкина боладан қочасанми? Ушлаб олиб, жағига туширмайсанми. Кучинг етмаса, мени чақирмайсанми!

Ўғлимга муштини кўрсатиб:

— Яна бир марта биз томонга келсанг, оёғингни синдираман. — Ҳе, яшшамагур, дея ўғлини етаклаб, уйига кириб кетди.

Мана сизга қўшнимнинг болаларга бўлган муносабати-ю, тарбияга аҳамияти. Бу бир кунлик оддий бир можаро тафсилоти. Лекин кўпчилик бола тарбиясига бефарқ бўлмасликни таъкидлайди. Яхши оилалардан тарбия борасида ўрнак олади. Қўшнимдан эса, алҳазар, худо сақласин. Ишқилиб бундайлар сони тезроқ камайсин-да! Ҳозирча эса ҳаётда шунақаси ҳам бўларкан-да!..

Қиндир ТЎЛА ўғли.

ЎҚУВЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Марҳамат шаҳрида спортнинг енгил атлетика тури бўйича туман ва шаҳар мактаб ўқувчиларининг беллашуви бўлиб ўтди. Мусобақалар кўп кураш асосида ўтказилди.

Беллашувларда умумкоманда ҳисобида шаҳардаги 1-мактаб биринчи ўринни, 2-мактаб иккинчи ўринни, тумандаги 26-ўрта мактаб ўқувчилари эса учинчи ўринни қўлга киритдилар.

А. ЭРАЛИЕВ.
Андижон вилояти.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАҚИМ.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати ва математика факультети жамоаси «Алгебра ва сонлар назарияси» кафедраси доценти Р. Ёрқуловга отаси

Ёрқул РЎЗИЕВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ҳаммуассис), Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: маъсул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35.

ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000040.
Буюртма Г—239. 117209 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 20.00.

Босишга топширилди — 20.30.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 123456.